



R 617 /4.
1999

O'ZBEKİSTON TARİXİ



4
1999



O'ZBEKISTON TARIXI

Jurnalga 1998 yil iyulda asos solindi
Bir yilda to'rt marta chiqadi

4

1999

UZBEKISTON RESPUBLIKASI FANLAR AKADEMIYASI

Toshkent

O'zbekiston Respublikasi Fanlar akademiyasi

«Fan» nashriyoti

ЎЗБЕКИСТОН НАШРИЁТИННИГ БОСМАХОНАСИ

Таҳрир ҳайъати:

Мирсадик ИСХОҚОВ (бош мұхаррир), Дилюром АЛИМОВА (бош мұхаррир үринбосари), Ашраф АҲМЕДОВ, Бўрибой АҲМЕДОВ, Омонулла БУРӢЕВ, Юрий БУРЯКОВ, Элёр КАРИМОВ, Мусаллам ЖУРАЕВ, Гулором МАШАРИПОВА, Турғун МИРСОЛОТОВ, Абдулаҳад МУҲАММАДЖОНОВ, Эдвард РТВЕЛАДЗЕ, Рустам СУЛАЙМОНОВ, Мирзали ТУРАБЕКОВ, Фарҳод ҚОСИМОВ, Кондамир ФУЛОМОВ, Нозим ҲАБИБУЛЛАЕВ, Темур ШИРИНОВ, Фатхулла ЭРГАШЕВ, МарзияҒАНИЕВА (котиба-мұхаррир).

Манзиллар:

700170, Тошкент, И. Мұжинов күчаси, 9-уд
Телефонлар: 133-47-12; 162-38-73

© Ўзбекистон Республикаси ФА «Фан» нашриёти, 1999 йил

Мұхаррirlар: М. Сайдова, Х. Раупова
Техмуҳаррир: Л. П. Тюрина

Үйіккадан ұтиш тартыбы № 00208. Теришга берилди 19.04.2000. Босншта рухсат эталди 12.06.2000.
Көтөз бичими 70×100%. Адабий гарнитура. Юқори босма. Офсет көзоз. Шартты босма т. 5,13.
Хисоб нашриёті 6,0, т. 500 нұсха. 24-буюртма. Баҳои 200 ф.

ЎзР ФА «Фан» нашриёти: 700047, Тошкент, акад. Я. Фуломов күчаси, 70.
ЎзР ФА «Фан» нашриётининг босмахонаси: 700170, Тошкент, акад. Ҳ. Абдуллаев күчаси, 79.

C. Кудратов

МАРКАЗИЙ ОСИЕ ҲУДУДИДАГИ ИЛК ДАВЛАТЛАРДА БОШҚАРУВ ТИЗИМИ ВА ИЖТИМОИЙ МУНОСАБАТЛАР

Илк давлатлар дастлаб жамоалар қандай бошқарилган бўлса, (яъни оқсоқоллар кенгаши томонидан) шундай бошқарилган. Кейинчалик ишлаб чиқаришнинг ривожлациини янги сугориш иншотларини қуришни тақозо этди. Ургу-жамоаларнинг бундай сув иншотларини қуриш ва улар фаолиятини таъминлашга имконлари етмаган¹. Зоро, ўша даврда бундай кент миқёсдаги сугориш иншотлари қурилишини фақатгина куч ишлатиш йўли билангина ҳал этиш мумкин бўлган. Бу вазнитда амалдор шахс, аниқроғи жамоада ҳукмрон шахс ҳисобланган коҳин муҳим роль ўйнай бошлаган.

Шунни ҳам таъкидлаб ўтиш жонзки, ilk давлатлар шаклланиши даврида жамоаларда коҳинларнинг — диний етакчиларнинг мавқен устун бўлган. Аксарият ҳолларда улар жамоанинг сиёсий ва ҳарбий етакчилари ҳам ҳисобланнишган. Улар ўз мавқеларини мустаҳкамлаб борганлар. Масалан, дастлаб коҳинлар жамоа аъзолари орасидан сайланган бўлса, кейинчалик бу лавозим отадан болага мерос бўлиб ўта бошлаган. Аста-секин улар бош бўлган улкан ибодатхона хўжаликлари тузила бошланади. Дастлаб бундай хўжаликлар жамоага қарашли бўлиб уларда жамоа аъзолари меҳнат қилишган бўлса, астасекин бундай хўжаликлар оқсоқоллар кенгаши назоратидан чиқиб, шоҳ—коҳинга тегиши бўлиб қолган.

Кучайиб кетган шоҳ—коҳинлар ён-атрофдаги ерларни босиб олиб, ўз хокимиётларини бутун дарё ҳавзасига ёйганлар. Шундай қилиб, кичик воҳаларда дастлабки давлат бирлашмалари пайдо бўлган. Бундай бирлашмалар подшо-коҳиннинг кучли лашкари ёрдамида бошқарилган. Подшо ҳокимиёти жамоа оқсоқоллар кенгаши устидан ҳам хўжайинлик қила бошлаган. Оқсоқоллар кенгаши бундан кейин жамоага тегишили ички ишларнигина ҳал қила олган, холос. Демак, бундай ilk давлатларда жамоа бошқаруви (оқсоқоллар кенгаши) давлат маъмурити шакли ҳисобланган².

Марказий Осиёдаги ilk давлатлар қандай ижтимоий характерда бўлганилги масаласи тарих фанида аниқ ечимига эга эмас. Ушбу масала асримизнинг 30-иyllарида шарқшунос олим Струве томонидан кўтарилилган эди. Олим қадимги Миср ва Месопотамия тарихига оид

¹ Струве В. В. Проблема зарождения, развития и упадка рабовладельческих обществ Древнего Востока//ИГИМК. Вып. 77. Л., 1934. С. 36.

² Дъяконов И. М. Община на Древнем Востоке в работах советских исследователей//ВДИ. 1963. № 1. С. 34.

ёзма манбаларни ўрганиб, қадимги Шарқ давлатларида қулдорлик мунисабатлари бўлган деган фикрии илгари суради³. Худди шу даврда С. П. Толстов қадимги Марказий Осиёдаги кўчманчилар ва деҳқонларнинг узвий алоқада яшаганилкларини ҳамда мил. ав. II асрдан то миодий VIII—IX асрларигача кўчманчилар қулдорлик босқичини (жамиятини) босиб ўтганилклари тўғрисидаги ўзининг мулоҳазаларини ўртага ташлади. Унинг ёзишича, қулдорлик босқичидаги кўчманчи чорвадорлар жамияти ҳарбий қулдорлик демократияси шаклида ривожланган⁴. Масаланинг бундай тарзда қўйилиши ўша даврда ёқ маълум қаршиликларга дуч келган. Масалан, А. Н. Бериштам «Осиёнинг катта қисми (жумладан, Марказий Осиё ҳам, — К. С.) қулдорлик жамиятини четлаб ўтиб, ер мулкчилигига асосланган жамиятга ўтган»⁵, деган фикрин билдиради.

Кейинчалик С. П. Толстов «Ўрта Осиё Мисри» деб номлаган қадимги Хоразмдан топилган археологик материаллар асосида юқоридағи ўз фикрларини ривожлантириб, «Ўрта Осиё антик даври» тўғрисидаги концепциясини яратди. Уни қисқача қилиб қўйидагича бериш мумкин:

1. Араблар босқинигача бўлган даврда сүғд зодагонлари ўзларида қулдорлар ва қабила-уруг бошлиқларига хос бўлган кўринишларни жамлаган.

2. Унинг ҳокимиюти, араб-форс ва хитой манбаларига кўра, қулчақирларнинг ҳарбий отрядлари ва зодагон ёцларининг имтиёзли отлиқ лашкарларига таянган.

3. Ўрта Осиё воҳаларининг қадимги маданияти ўзига хос «шаҳар» маданияти қиёфасига эга бўлган.

4. Ўрта Осиёнинг аҳмонийлар давлати таркибига кирганлиги, сосонийлар даври солномаларидаги қуллар тўғрисидаги маълумотлар ҳамда хитой ва эски сүғд ёзма манбалардаги қуллар тўғрисидаги маълумотлар қулчилик ўтроқ ва кўчманчи аҳоли ўртасида кенг тарқалган, деган фикр юритишига имкон беради.

5. Археологик изланишлар натижасида очилаётган қадимги сув иншоотлари қурилишида ҳеч шубҳасиз қуллар меҳнат қилтан. Акс ҳолда йирик ҳажмдаги қадимги сув иншоотлари қурилиши ўша даврдаги ибтидоий техникани ҳисобга олганда қишлоқ хўжалигининг нормал фаолият кўрсатиши учун зарур бўлган кўплаб сүғд ва хоразмлик деҳқонларни жалб қилган бўларди, бу эса, ўз навбатида, қишлоқ хўжалигини (ишли кучи етишмаслиги оқибатида — К. С.) издан чиқарган бўлур эди.

6. Гарчи ибтидоий жамият қолдиқлари Ўрта Осиёда яна кўп асрлар мобайнида ҳам сақланиб қолган бўлса-да, у мил. ав. биринчи минг йилларнинг бошларидан қадимги Шарқ классик қулдорлик тизимиға тортила бошлайди.

³ Струве В. В. Проблема зарождения, развития и упадка рабовладельческих обществ Древнего Востока.

⁴ Толстов С. П. Генезис феодализма в кочевых скотоводческих обществах// ИГАИМК, Вып. 103. Л., 1934.

⁵ Бериштам А. Н. Вступление//ИГАИМК, Вып. 103. Л., 1934. С. 343.

7. Рим империясини ва қадимги Хитой давлатини вайрон қўлган қўлдорлик жамиятининг умумий ишқози Ўрта Осиёни ҳам четлаб ўтмайди. IV асрда Хитойни, IV—V асрларда Европани вайрон қўлган хунилар V асрда Кушон подшоҳлигини ҳам қулатади⁶.

Аввал бошида Хоразм учун тақлиф қилинган бу концепция кейинчилик бутун Ўрта Осиё тарихига татбиқ қилина бошланди. Агардз деҳқончилик манзилгоҳлари бўлган экан, сугориш бўлган, демакки қулчилик бўлган деган фикр шаклланади⁷. Кези келганда шуни ҳам таъкидлаш жоизки, олимнинг ушбу концепцияси қадимги Рим ва Греция (Юнонистон) тарихи таъсири остида яратилган.

Аммо 50-йилларнинг ўрталарига келиб, қўлга киритилган янги маълумотлар натижасида юқоридаги концепциянинг «заниф» томонлари кўрина бошлади. Шунинг учун 1954 йили Н. А. Кисляков «далилий материалларнинг етарли эмаслиги Ўрта Осиёда қўлдорлик тузуми ва унинг босқичлари ҳақида сўз юритишга имкон бермаслигиги»ни таъкидлайди⁸. В. А. Шишкни «антик» терминининг Ўрта Осиё тарихи учун қўлланилиши тўғрилигига шубҳа билдиради⁹. Е. М. Жукова ҳам Марказий Осиё халқлари тарихига қадимги Европа тарихи тушунчалари сунъий равиша киритилаётганлигини тапқид остига олади¹⁰.

Кейинчалик С. П. Толстовнинг ўзи ҳам Хоразм ва Ўрта Осиёда қўлдорлик муносабатлари тўғрисида сўз юритиш учун бевосита далиллар ийқлигини тан олса-да, милоднинг биринчи минг йиллигини иккинчи ярмида Ўрта Осиёда феодализм тузуми бўлганлиги шубҳа түгдирмас экан, ундан олдинги давр фақатгина қўлдорлик жамияти бўлиши мумкин, деб ўз концепциясини ҳимоя қиласди¹¹.

С. П. Толстовнинг ушбу фикри асосида яқин йилларгача Марказий Осиёдаги илк давлатлар қўлдорлик муносабатлари характеристида бўлган деб келинди ва келинмоқда. Масалан, И. С. Брагинский «Ҳам ер усти, ҳам ер ости ийрик сугориш иншоотларини қуриш... фақат қўл меҳнати билангина амалга ошириш мумкин бўлган»,— деб ёзади¹². Шимолий Парфияда археологик изланишларни олиб борган Г. А. Кошеленко ҳам бу ерда парилар босқини (мил. ав. III аср) оқибатида асосий аҳоли қул даражасига тушиб қолганлигини ёзади¹³. Б. Фофуров Марказий Осиёдаги илк давлатлар қўлдорлик жамиятлари бўлганлигини, лекин бу жамиятлар кўп укладли бўлиб, уларда етакчилик

⁶ Толстов С. П. Основные вопросы древней истории Средней Азии//ВДИ. 1938. № 1. С. 176—203.

⁷ Толстов С. П. Периодизация древней истории Средней Азии//КСИИМК. Вып. 28. М.: Л., 1949. С. 18—29.

⁸ Материалы объединенной научной сессии, посвященной истории Средней Азии и Казахстана в дооктябрьский период. Ташкент, 1955. С. 529.

⁹ Уша жойда, 494-бет.

¹⁰ Уша жойда, 512-бет.

¹¹ Толстов С. П. Работы Хорезмской археолого-этнографической экспедиции АН СССР в 1949—1953 гг.//ТХАЭ. Т. 2. М., 1958. С. 104.

¹² Братинский И. С. К вопросу о периодизации истории народов Средней Азии и Казахстана в досоветскую эпоху. Ташкент, 1942.

¹³ Кошеленко Г. А. Заключение. Средняя Азия в античную эпоху//Древнейшие государства Кавказа и Средней Азии. М., 1985. С. 34.

ролини бутун давр мобайнида жамоа аъзолари сақлаб қолган деган хуносага келади¹⁴. А. Асқаров Марказий Осиёдаги илк давлатларни Юнонистон ва Римдагидек классик қулдорлик характерда бўлмаса-да, «патриархал қулчилик характерида» деган фикр асослидир, деб ҳисоблайди¹⁵. С. П. Толстов концепциясига А. М. Беленицкий қарши чиқади. А. М. Беленицкий сув ишоотлари қурилишида юз минглаб қўл меҳнатлари феодализм даврида ҳам қўлланилганлигини таъкидлаб, Толстов концепциясида жамоа ва жамоа аъзоларига етарли эътибор берилмаганлигини уқтиради. Олимнинг фикрларини қўйидагича тезис ҳолида билдириш мумкин:

1. 200-йиллик аҳмонийлар ҳукмронлиги даврида ўрнатилган доимий равишда «ўлпон» тўлаб туриш тизими жамиятда феодал муносабатларини (аслизодалар ва деҳқонлар синфини) шакллантириди.

2. Қулчилик муносабатлари шаклланганлиги гувоҳи сифатида қаралаётган шаҳарлар Урта Осиёда бронза давришинг сўнгги босқичларида пайдо бўлган.

3. Урта Осиёда қулларнинг бўлганлиги ҳеч кимда шубҳа уйғотмайди. Бироқ, қўл меҳнатининг кенг миқёсда ишлаб чиқарувчи куч сифатида ёйилганлиги тўғрисида маълумот йўқ. Ҳукмрон синф фойдасига доимий равишда солиқларнинг тушиб туриши қўл меҳнатининг кенг ёйилишига имкон бермайди. Қуллар уй чўриси, әнага, хизматкор ва шунга ўхшаш кишилар бўлганлар¹⁶.

А. П. Новосельцев бу баҳсларга ўзгача йўналиш киртади. У Кавказорти ва Марказий Осиёнинг бизни қизиқтираётган даврини таҳлил қилиб, бу ерларда феодализм томон секин эволюционлашадиган ўзига хос «арханг формация» бўлганлигини ёзди¹⁷.

Марказий Осиё илк давлатларининг ижтимоий муносабатларини ўрганишида ёзма манбаларнинг мавқеи муҳимдир. Бу борада Марказий Осиёнинг энг қадимги ёзма манбаси «Авестонинг ўрии муҳим аҳамиятга эгадир. Асарнинг энг қадимги қисми бўлган «Гоҳ»ларда «хусусий чорвадорга (тегишли) чорва ва «вира» ҳақида сўз юритилади. (Ясна, XXXI, 15). В. М. Массон фикрича, «вира» — асирга тушган ва қўл қилинган ўзга қабилалик жангчи бўлган. Шунингдек олим манбадаги «вайса» иборасини ҳам уруғга тегишли деб таржима қилиб, «чамаси бу ерда уруғта тегишли қуллар ҳақида сўз кетган», деб ҳисоблайди¹⁸.

Шу ўринда шуни ҳам таъкидлаш жоизки, вира, вайса онланинг кичик аъзолари ҳисобланниб, улар ҳам ҳар хил диний маросимларда ҳамма қатори тўлов тўлаганлар (таъкид бизники.— К. С.).

1945—1950 йилларда С. П. Толстов бошчилигидаги археологлар Хоразмда III—IV асрларга оид Тупроқкалъя саройи қолдикларини ўрга-

¹⁴ Гафуров Б. Таджики. Древнейшая, древняя и средневековая история. М., 1972. С. 184—188.

¹⁵ Асқаров А. Узбекистон тарихи. Тошкент, 1994. 197-бет.

¹⁶ Беленицкий А. М. О «рабовладельческой формации» в истории Средней Азии//Проблемы археологии Средней Азии Л., 1968. С. 37—38.

¹⁷ Новосельцев А. П. Генезис феодализма в странах Закавказья. М., 1980.

¹⁸ Массон В. М. К вопросу об общественном строе древней Средней Азии//История, археология и этнография Средней Азии. М., 1968. С. 94.

наётганликларида, подшо архивини топадилар¹⁹. Архив ҳужжатларини ўрганган олим В. А. Лившиц унда 14 оиласнинг рўйхатини ўқиди. Рўйхатда оиласнинг эркак аъзолари билан бир қаторда оила қуллари (хизматкорлари) ҳам саналади²⁰.

Фарб олимлари Кичик Осиёдан Марказий Осиёгача бўлган илк давлатлар ижтимоий муносабатларини «Осиёча ишлаб чиқариш усули» кўринишида бўлган деб ҳисоблайдилар. Сўнгги йилларда ушбу фикр тарих фанида тез-тез тилга олинмоқда. Шу сабабли бунга кенгроқ тўхталишни лозим топдик.

Дастлаб ушбу ибора XIX асрнинг ўрталарида пайдо бўлган. «Умуми, осиёча, антик, феодал ва ҳозирги буржуза ишлаб чиқариш усуllibарини иқтисодий-ижтимоий формациянинг прогрессив давлари деб ҳисобласа бўлади». Тарих фанида ҳанузгача «осиёча ишлаб чиқариш усули» бу нима ўзи?— деган масалада баҳслар кетмоқда. Бир гуруҳ олимлар «осиёча ишлаб чиқариш усули» синфесиз жамиятдан синфи жамиятга ўтиш даврини эгалловчи алоҳида бир босқич деб ҳисоблайдилар. Уларнинг фикрича, бу босқични Шарқ ва Фарбнинг барча халқлари босиб ўтганлар.

Иккинч бир гуруҳ олимлар «осиёча ишлаб чиқариш усули» ҳамма жойларда эмас, фақат табиий шароити ерни сунъий суғоришни талаб этган мамлакатлarda бўлган деб ҳисоблайдилар. Ерни сунъий суғоришга эҳтиёж сабабли, бу мамлакатлarda давлат тўғонлар ва каналлар қуришда йирик ҳажмдаги жамоат ишларини ўюстиришдек мухим вазифани бажарган. Давлат — бу мамлакатлarda барча ер ва унда ишловчиларнинг олий ҳукмдори ҳисобланган²¹.

Учинчи бир гуруҳ олимларнинг фикрича, «осиёча ишлаб чиқариш усули» инсоннинг инсон томонидан эксплуатация қилишининг алоҳида «зулм» шакли ҳисобланади²².

Ва ниҳоят, боша бир гуруҳ олимлар «осиёча ишлаб чиқариш усули» тушунчасини бутунлай никор этадилар. Уларнинг фикрича бундай усул тарихда ҳеч қаҷои бўлмаган²³.

Марказий Осиё илк давлатларидаги ижтимоий муносабатлар борасида билдирилган фикрларга муносабат билдиришдан олдин шуни таъкидлаш керакки, юқорида билдирилган фикрлар асосан қадимги Хоразм, Юнон-Бақтрия, Парфия, Кушон подшоҳликлари даврига (мил. ав. IV милодий IV асрлари) тегишли бўлиб, бизни қизиқтираётган давр давлатларидаги ижтимоий муносабатлар масаласи кўрilmаган.

¹⁹ Толстов С. П. По древним делтам. Окса и Яксарта. М., 1962. С. 204—224.

²⁰ Топрак-кала. Дворец. М., 1984. С. 265—288.

²¹ Варга Е. С. Очерки по проблемам политэкономии капитализма. М., 1965. С. 358—382.

²² Қаранг: Семенов Ю. И. Проблема социально-экономического строя древнего Востока//Народы Азии и Африки. 1965. № 4. С. 88—89; Гаруяниц Ю. М. Об азиатском способе производства//Вопросы истории. 1966. № 2. С. 100.

²³ Қаранг: Струве В. В. Понятие «азиатский способ производства»//Народы Азии и Африки. 1965. № 1. С. 104; Массон В. М. Становление раннеэлассового общества на древнем Востоке//Вопросы истории. 1967. № 5; Качановский Ю. В. Рабовладение, феодализм или азиатский способ производства? М., 1971.

Юқорида билдирилган фикрларда асосан қулдорлик муносабатлари бўлганилиги таъкидланади. Бироқ, қўл меҳнати ҳамма ерда ҳам жамиятнинг асосий ишлаб чиқарувчиси (фақат шундай жамиятнинг асоси қулдорлик муносабатлари жамияти деб аташ мумкин — К. С.) дараҷасига кўтарилимаган. Бизнинг назаримизда, Марказий Осиёда қўл меҳнати жамиятнинг асосий ишлаб чиқарувчи кучи бўлмаган. Сабаби, Марказий Осиёда хўжаликнинг асосий тармоғи қишлоқ хўжалиги бўлиб, унда қўл меҳнати жамоанинг эркин, озод аъзоси меҳнатига қараганда унумсиз бўлган, бунинг устига қулини сотиши олиш ҳам унинг эгасидан харажат талаబ этган. Ўмуман, қўл меҳнати иқтисодида товор ишлаб чиқариши устувор бўлган, хўжалигининг асосий тармоғи ҳунармандчилик ва савдо ҳисобланган айrim қадимги жамиятлардаги на кенг қўлланилган.

Марказий Осиё ҳудудида қулдорлик муносабатлари бўлганилиги тўғрисидаги фикрлар кўпроқ классик қулдорлик жамиятлари — қадимги Юнонистон ва Рим тарихи таъсирида юзага келган. Бироқ, Марказий Осиё ўз хусусияти ва анъанааларига эга бўлган ўзига хос тарихий-жугофий ҳудуд. Сунъий сугориш бизнинг ҳудудда ўта муҳим ўрин эгаллади. Ҳатто маълум маънода жамиятдаги юксалиш ва инқирозлар ҳам у билан боғлиқ ҳолда кечади. Сунъий сугоришга асосланган хўжалик сугориш иншоотларининг доимий равишда янгиланиб, таъмирланиб туришини талаоб қилган. Пирик дарёлардан тўғонлар қуриш орқали сув олиш, уларни ҳар йили кўйқалардан тозалаб туриш ва ниҳоят, янги каналлар қазиш аҳолининг ялпи сафарбарлигини талаб қилган. Буни фақаттина давлат ҳал қила олиши мумкин бўлган. Шунингдек, сувнинг жамиятда тутган ўрни (унинг барчага тааллуқли эквалиги) ернинг ҳам хусусийлашишига имкон бермасди. Ушбу ўринда Марказий Осиёда ерга эгалик қилиш муносабатлари милодий V—VI асрларига келибгина қарор топганини эслатиб ўтиш ўринилидир. Қўл меҳнати эса кўпроқ хусусий хўжаликларда тараққий топган²⁴. Шундай экан, Марказий Осиё илк давлатларни ҳаётida сунъий сугоришнинг қанчалик муҳим ўрин тутганлигини инобатга олиб, уларни «осиёча ишлаб чиқариш усули» муносабатлари қарор топган давлатлар деб ҳисоблаш тўғри бўларди.

²⁴ Дьяконов И. М. Община на Древнем Востоке в работах советских исследователей//ВДИ. 1963. № 1. С. 19.

Манба ва талқин

Абдухолик Абдурасул ўғли

«ЮЭЖИ»¹ АТАМАСИ ҲАҚИДА

Узбекистон тарихининг милоддан аввалги II—I-милодий IV асрлари учун хитой манбаларидаги юэжи (юэчжи) қабилалари деб аталган этник спёсий уюшмага маълумотларни таҳлил қилиш жуда муҳимдир. Чунки юэжилар ва уларниң давомида турган ҳалқлар пировардида туркй ҳалқларнинг навбатдаги уюшув босқичларида мұайян ўрин тутган. Шу мунисабат билан юэжи қабилалари ҳақида манбалар маълумотларини яна бир бор таҳлил қилишга жаэм этдик.

Хитой манбаларидаги қадимий Марказий Осиёда яшаган ҳалқлардан бири юэжилар ҳақида милоддан аввал II асрдан бошлаб хабар берилади. Милодий I—II асрларда юэжилар барпо этган ҳоқимлеклар тиљга олинса, VI асрларгача бу ном түрли қабила уруғларининг насабини күрсатында қўлланилган. Кейинги давр хитой манбаларидаги мазкур атама уруг, қабила номлари шаклида умуман ишилатилмайди.

Юэжиларнинг эгаллаган жойлари, қайси ҳалққа мансублиги ва уларнинг тиљига онд масалаларнинг ўрганилиши бир асрдан ошиб кеттган бўлса-да, олимлар ўртасида ҳалигача умумий бир фикрга келинмаган. Хусусан, кейинги даврларда қадимиги хитой манбаларини тўла тушуна оладиган, маҳаллий ҳалқ вакилларнинг етишиб чиқиши натижаси ўлароқ, юэжилар тўғрисида илларидан айтилиб келинган хуносаларнинг кўпин ҳақиқатга яқин эмаслиги аниқланди. Тадқиқотчилик «Юэжи» атамаси ҳақида ҳар хил фикр мулоҳазаларини ўртага кўйса-да, бироқ мазкур масала юсасидан қилинган ишлар ўз ечимини топа олмади.

Юэжи атамасига инебатан кейинги даврларда хитой манбаларини синчиклаб ўрганувчилар, туркй тил нуқтаи назаридан келиб чиқиб, «Евлаб олувчи» («Босиб олувчи») мазмунидаги «Ёвчи» иборасини ишлата бошлади².

Тадқиқотчиларнинг баъзилари «юэжи»ни хитой ёзувининг қадимий талаффуз қонуниятларига кўра, қадимий туркй (уйғур) тиљида «юртажи» (кўчиб юрувчи), «кезувчи» каби маъноларни билдирадиган сўз бўлиши керак деган хуносага келгаилар. У ҳолда мазкур талқин-

¹ Юэжи — хитой манбаларida уче zhí деб ёзилган. Узбек тиљида «йўжи» деб ҳам ўқиши мумкин. Рус адабиётida юэчжи деб ёзиш қабул этилган.

² Чинг-Хва, Вонг-Жилай... Шинжонгнинг қисқача тарихи. Урумчи. 1986; Т. Олмос. Уйғурлар. Урумчи. 1989; Уйғурларнинг қисқача тарихи. Урумчи. 1990; Авар Бойтур, Хайринисо Сидик. Шинжонгдаги миллатлар тарихи. Бекин. 1991. Қасым Масими. Племенное объединение «Уйгур». История уйгурской державы, Алматы. 1998.

га кўра, «юэжи» атамаси, «аста юрувчӣ», «судралиб юрувчи» деган мазмундаги «юртчӣ» яъни «кӯчувчи», «юрувчи» тушунчасини билдирадиган туркий сўзининг хитой тилида талаффузи дейилади³.

Олимлар Шимолий Вей сулоласи (386—534 й.) тарихида юэжиларни «ту-хў-лў» (рус адабиётида «ту-хо-ло» ёзилади) яъни тоҳар деб номланганини қайд этишган⁴. Масалан хитой олими Юй-Тайшан Юон-Бақтрия давлатини тугатганлар сак қавмининг бир қабиласи тоҳарлар бўлиши керак деб фараз қиласди⁵.

Хитой манбалари ўрганила бошлаганидан буён, юэжилар қадими Юон ва Эрон манбаларида қандай аталганлиги олимларни қизиқтириб келади. В. В. Григорьев юэжиларни Клапрот, Абел Ремюзе каби Европо олимларнинг тадқиқотига асосланиб, XIX асрда «Гета» («Getae») деб кўрсатиб ўтади⁶. С. П. Толстов қадимиюон манбаларидаги «массагет» атамасидаги «масса» бўлғанинг «катта», «улуг» деган маънода, «гет» қабила номи бўлғанинг «кетта (улуг) гет» деган ном эканлигини тасдиклиайди. Кейинчалик рус олимлари тарафидан айтилган қатор фаразлар ичиди С. П. Толстовнинг берган тахмини, олимлар томонидан кўллаб-куватланди. У хитой манбасидаги «до юэжи» («да юэчжи») атамасидаги «до» катта, улуғ маъносидаги сўз ва «юэжи» қабила номи бўлғанинг туфайли, антик юон тарихчиларнинг келтирган «улуг саклар» ёки «катта саклар» деб тушунишган.

Массагетлар ҳақида гап кетганда, тарихчиларнинг кўпчилиги антик тарихчилар берган маълумотлардаги скифлар ва массагетлар деб аталган халқларнинг қадимиғи форс ёзувларида сак деб номланган халқ эканлигини тасдиқлашади⁷. Юон антик тарихчиси Страбон (милод. ав. 64/63—23/24 й.) «Жугофия»сида XX аср бошида берилган маълумотга кўра, массагетлар даҳларнинг шарқида яшаган халқ эканлиги кўрсатилган⁸.

Ўзбекистон тарихини ёғсан олимлар томонидан массагетлар мил. ав. VII—V асрларда йирик қабилалар иттифоқининг бири бўлиб, унинг таркибига бир неча асл сак қабилаларининг кирганилиги ва уларнинг кўпчилиги фрако-киммерий қабилаларига мансублиги кўрсатиб ўтил-

³ Имин Турсу и. Торимдан томча Бежин, 478—479-бет.

⁴ Гафуров Б. Г. История таджикского народа. М. 1952. С. 73.

⁵ Юй-Тайшан. Саклар ҳақида «Хан сулоласи тарихи»даги маълумотлар// Шинжонг ижтимоий фанлар тадқиқоти, Урумчи, 1989. 2-сон, 126-бет.

⁶ Григорьев В. В. Землеведение К. Риттера. География стран Азии. Восточный или Китайский Туркестан//Туркестанский сборник. Т. 17. СпБ, 1869. С. 60

⁷ Восточный Туркестан в древности и раннем средневековье. М., 1988. С. 236.

⁸ Узбекистон тарихи. Тошкент, 1970. 70-бет.

⁹ Аминжонова М., Желтова Г. И. Узбекистон халқлари ўтмиши тарихидан лавҳалар. Тошкент, 1974. 21-бет.

¹⁰ История Киргизской ССР. Т. I. Фрунзе, 1984. С. 145.

ган. Шунинг билан бирга улар «массагет» атамаси қадимда «маза-гет» яъни «улуг гетлар» эканлигини тасдиқлашади. Гетлар деган этник ном (даки номи каби) массагет таркибига кирган фрако-киммерий қабилалари яшаган вилоятнинг гарбидаги жуда катта ҳудудга тарқалганигини ёзишган¹¹. Бунда массагетларнинг таркибига асл сак қабилалари кирганилиги тан олиниши диққатга сазовордир. Зоро, «массагетлар» нинг «доюэжилар» эканлиги, уларнинг таркибига асл сак қабилаларининг кирганилиги кўрсатилади.

Рус олимларидан И. И. Умняков доюэжиларнинг массагет ёки тоҳар деб номлашга қарши чиқиб, янги бир тахминни ўртага ташлайди. Унинг тахминича массагет ва тоҳарлар илгаридан айрим-айрим ҳалқ бўлган. Уларни Қора денгиздан то Осиёнинг ичкарисигача жойлашган скиф қабила иттифоқига кирган қавмлар, деб тушуниради. У юэжилар хитой манбаларига асосланганда мил. ав. II асрда гарбда Дўнгхуанг, жанубда Наншан, шарқда Хуонгхэ дарёси билан, шимолда Алашан саҳроси билан чегараланган жойда яшаган ҳалқ бўлиб, улар ҳуннлардан мағлуб бўлганидан кейин гарбга кўчиб кетиб, сўнгра бошқа қабилалар (антик муаллифлар келтирган тоҳар, асий, сакарауллар) билан биргаликда Юнон-Бақтрия подшолигига ҳужум қилинганини ёзган. Унинг фикрича, ҳукмдор тоҳарлар этник ном сифатида тарихга кирмаганлиги сабабли хитой манбаларига тилга олинмаган. Милодий IV—VI асрда тоҳарлар мавқенинг кўтарилиши сабабли, хитой манбасида қайд этилганлигини кўрсатади¹². Гарчи, кейинги даврлардаги тадқиқотларда И. И. Умняковнинг фикри тасдиқланмай доюэжиларнинг массагет эканлиги таъкидлаб келинса-да, кейинги қилинган тадқиқотлар юэжиларнинг Амударёнинг қўйи оқимларида қадимдан яшамаганлиги масаласи юзасидан доюэжи-массагет этноминининг бирлиги инкор этилади. Бинобарин, хитой манбаларига «юэжи» атамаси қаҷондан бери ва нима сабабдан ишлатиб келинганилиги ҳамда уларнинг юнон, форс манбаларига қайси номга тўғри келишини ўрганиш илмий аҳамиятга моликдир.

Хитой манбасида юэжилар ҳақидаги маълумот дастлаб «Тарихий хотиралар» асарининг ҳунлар тазкирасида берилган. Манбада ёзилишича: «Уша даврларда, тунгусларнинг¹³ қудрати ошган, юэжилар эса равнақ топган. Ҳунларнинг Туман тангриқути¹⁴ Чин хоқонлигига¹⁵ тенг келолмагач шимолга кўчган. Бир неча йиллар ўтгач, Минг-Тян¹⁶

¹¹ Ўзбекистон тарихи. Тошкент, 1970. 70-бет.

¹² Гафуров Б. Г. История таджикского народа. С. 73.

¹³ Тунгуслар — хитой манбаларига қадимда Хитойнинг шимоли шарқида истиқомат қилган «Дунг ху» яъни «Шарқий ху» деб номланган ҳалқ. «Ху» атамаси хитой манбаларига туркӣ ҳалқларнинг аждодларига ниисбатан ҳам ишлатилган.

¹⁴ Туман тангриқут — Хитой манбаларига мил. ав. 220—209 йиллари ҳукмронлик қилган ҳун ҳоқони. [Симо-Чаян, Тарихий хотиралар, («24 тарих»даги ўрта Осиёга оид материаллар тўплами, уйгар тилида), 1989, Үрумчи, 441-бет].

¹⁵ Чин хоқонлиги — мил. ав. 221—207 йилларда Хитойда ҳукмронлик қилган сулола кўзда тутилади.

¹⁶ Минг-Тян — мил. ав. 221 йили Чин сулоласининг кўмандонлигига тайинланаб, бир неча бор ҳунларни мағлубиятга учратган машҳур саркардадарнинг бири. У улуг Хитой деворини қуришга бошчиллик қилиб, аҳолининг бошига оғир кулфатларни сол-

ўлиб, беглар Чин хоқонлигига қарши исён кўтартганлиги туфайли хоқонлик парокандаликка учраган»¹⁷ деган маълумотлар берилган. Мазкур манбага асослансанк бу воқеа Туман тангириқут ҳукмронлик қилаётган давр, яъни, Чин сулоласининг машҳур саркардаси Минг-Тян ўлимидан бир неча йил аввал юз берган. Минг-Тян мил. ав. 210 йили вафот этганини эътиборга олганда¹⁸, юэжиларнинг равнақ топган даври мил. ав. 220 йиллар эканлиги маълум бўлади. Яъни, Чин сулоласининг янгидан ташкил топган вақтига тўғри келади. Ҳолбуки, мазкур манбада бундан олдин «юэжи» деган ном тилга олинмаган. Аслида эса «Тарихий хотиралар»¹⁹ асарининг муаллифи Симо-Чян²⁰ хитойликлар томонидан «юэжи» деган халқнинг тилга олиниши ёки танилиши анча кейинги даврга, яъни Хан сулоласининг хоқони У-ди (мил. ав. 140—87 йиллари ҳукмронлик қилган хон), даврида вужудга келгани ҳақида иккинчи бир маълумотни беради. У-ди Хан сулоласи даврида ҳукмронлик қилган хонларнинг ичиди, ҳунларнинг қарамлигидан, Хитой хонлиги тўла-тўқис қутилиш учун курашган хонларнинг бири эди. У Хун хоқонлигига қарши мустақиллик йўлида олиб борган чора-тадбирлари билан хитой тарихидан алоҳида ўрин тутади. Хитой манбаларининг кўрсатишича У-ди тахтга эга бўлмасдан олдин Хун хоқонлиги Осиёда катта мавқега эга эди²¹.

У-ди Хан сулоласининг тахтига чиққандан кейин, давлатнинг тўлиқ мустақиллгини қўлга киритиш мақсадида бирор чора-тадбир излаётган пайтда, асирга тушган ҳуидан: «Хунлар юэжи хонини мағлуб қилиб, унинг бош суюгини шароб ичадиган коса қиласди. Юэжилар эса узоқга қочиб кетган. Улар ҳунларни ёмон кўради ва улардан доим қасос олинишни ўйлади. Сизлар нега юэжилар билан бирга ҳунларга хужум қилмайсизлар»²² деган сўзни эшитмагунча Хитой хони «юэжи» деган халқнинг борлигини билмас эди. Демак, «Тарихий хотиралар» асарида келтирилган мазкур маълумотга асосланган ҳолда, Хитой хони У-ди тахминан мил. ав. 140 йилларда, юэжилар ҳақидаги маълумотни биринчи марта ҳунлардан эшитган. Шундан кейин у Жонг-Чян бошчилигидаги элчиларни юбориб, ҳунларнинг душманни юэжиларни ўрганишга алоҳида эътибор берган. Жонг-Чян эса ҳунлар томонидан ушланиб, 13 йилдан сўнг юэжилар ҳақида маълумот олиб қайтади.

Ганлиги сабабли мил. ав. 210 йили ўлдирилган; Симо-Чян. Минг-Тян тазкираси. Тарихий хотиралар. Урумчи 298—300-бетлар.

¹⁷ Симо-Чян. Ҳунлар тазкираси, Тарихий хотиралар, Урумчи, 397-бет.

¹⁸ Минг-Тяннинг тугилган йили номаълум, мил. ав. 210 йили ўлган. Симо-Чян. Тарихий хотиралар, Урумчи 92-бет.

¹⁹ Тарихий хотиралар, хитойча «Ши жи» хитой тарихий асарлари ичиди тадрижий ёзилиб келган машҳур «24 тарих»нинг биринчи жилди бўлиб, 4—5 минг йиллик тарихини бაён этади. Бунда Марказий Осиё жумладан, туркий халқлар ҳақида бой маълумот берилган.

²⁰ Симо-Чяннинг яна бир номи Зи-Чонг, милод. ав. 145—86 йиллари яшаган.

²¹ Хитой манбасида Хитойда Хан сулоласи ташкил топиш кўп ўтмасдан хон Говзу (мил. ав. 206—195 й.) мил. ав. 200 йили ҳунларнинг тазиқидан қутулиш учун катта қўшин билан ҳунларга қарши юриши қилиган. Улар 7 кун ҳунлар муҳосисирада қолиб мағлуб бўлгандан сўнг, Хитой хонлиги Хун хоқонлигига киз берниб, хирож тўлаб турадиган қарам бир мамлакатга айланниб қолган. (Симо-Чян, Ҳунлар тазкираси, Тарихий хотиралар, Урумчи, 405-бет.)

²² Симо-Чян, Фаргона тазкираси, Тарихий хотиралар, 1989, Урумчи, 487-бет.

Тарихчи Симо-Чян «Хўнлар тазкираси» асарини ёзишда ҳунлардан эшитган ва хитой йилномаларида бор маълумотларга асосланган ҳолда, милод. ав. 220 йиллари Туман тангрикүт даврида юэжилар ҳунлардан мағлуб бўлганлигини тарихан таққослаб, уларнинг тарихига яна 80 йилни кўшиб ёзган бўлиши мумкин. Бинобарин, Симо-Чян ўша давргача Хитой билан кўшини яшаган халқлар ҳақида тапиргандага «Юэжи» деган халқ номини тилга олмаган. Амалда эса, у юэжиларнинг ҳунлардан ҳам кучли ва катта халқ бўлганлигини таъкидлаб, «Уша даврда... юэжилар равнақ топган эди» деб ёзган. Қизиги шундаки, манбаларда Хитойга кўшини кучли юэжилар ҳақида гапирмасдан улардан ожизроқ бўлган ҳунлар доним тилга олинниб келинган.

Умуман ҳунлар хитой манбаларида тахминан 5000 йил муқаддам, «Шунну» деб тилга олинган бўлса, ундан кейин «Рунг-ди», кейинчалик эса уларга «Ху» атамаси ишлатилган. Юэжилар тилга олинишидан сал илгарироқ ҳунларга нисбатан яна «Шунну» атамаси қўлланила бошланган. Аммо, юэжиларнинг илгари ким бўлганлиги ҳақида Симо-Чян маълумот бериб кетмаганлигининг боиси, фанда ўз ечимини топган эмас.

«Юэжи» атамасининг пайдо бўлиш сабабини қидиргандага асосан икки муҳим фикрга эътибор беришга тўғри келади. Биринчидан, бу атама Хитой хони У-ди замонида қўлланила бошлаган. Иккинчидан, хитой манбаларида мазкур ибора анча илгаридан ишлатилиб келинган. Аммо, бошқа хитой иероглифи ишлатилганлиги сабабли уни «юэжи» деб аташмаган.

Иккинчи фикр тарафдорларидан япониялик Эгами Намио биринчилардан бўлиб, қадими хитой манбаларидан бири «Гуанзи»да (тахминан мил. ав. V—III асрларга тўғри келадиган манбада) «юйси» («юйши») деган атамасининг ишлатилганлигини айтган. У мазкур атаманинг юй (яшма)ликлар яъни яшма чиқадиган жойдагилар деган маънони билдиришини ёзади²³.

Хитой тадқиқотчилари ҳам манбаларда «юйси», «юйжж» («уи zhī»), «юси» ва «юэжи» («уие zhī») каби номларнинг Симо-Чяндан олдин ҳам ёзилиб келганлигини тасдиқлашади²⁴. Улар «Гуанзи» асаридаги маълумотлар жуда қадими эканлиги, яъни, Жу суоласаси (тахминан мил. ав. 1122—771 йиллар) давридаги воқеликларни эътиборга олиб, «юйси» атамасининг хитой манбаларида тахминан милод. ав. XII—VIII асрларда тилга олинганлигини айтишган. Мазкур тадқиқотларда юйсиларнинг яшаган ерлари Шарқий Туркистоннинг жанубий ҳудудларига тўғри келадиганлигини кўрсатишади²⁵.

²³ Восточный Туркестан в древности и раннем средневековье. М., 1988. С. 236.

²⁴ Имин Турсун. Торимдан томча, Бежин, 1990. 476-бет.

²⁵ «Гуанзи» асарида «юйси»лар турган юрт яшма тоши чиқадиган жой бўлиб, Қароқурум (Куинь-лунь) тоглари билан бирга тилга олинган. Мазкур жой 3—4 минг йил муқаддам, Жу суоласасига 7 минг 800 чақирим (тахминан 3 минг 900 км.) масофада турганлиги кўрсатилган. Хитой манбаларидаги яшма тоши чиқадиган жой қадими Удун яъни Хутан шаҳрининг атрофи, Қароқурум тоглари билан туташб кетганлигидан мазкур жойнинг Жу суоласасининг маркази билан оралиги ҳам тахминан ўша давр масофани белгилари алоҳидаликларини эътиборга олганда кўрсатилган рагамга тўғри келади. (Имин Турсун. Торимдан томча, Бежин, 1990. 476-бет.)

Умуман айтганда юйсилар Туркистонда яшаган халқларнинг қадимий аждодлари бўлиб, хитой манбаларида 3—4 минг йил илгари тилга олинган.

Агар мазкур хulosани тўғри деб ҳисобласак, бу атама давр ўтиши билан ўзгариб кетганини сабабли, истеъмолдан чиқиб кетган. Милоддан аввалги II асрда, яъни Хитой хони У-ди замонига келганда, у асирга олинган ҳундан эшитган хабарига асосан ҳунларнинг ашаддий душманни «юэжи» деган халқнинг борлигини билади. Симо-Чян эса мазкур маълумотдан сўнг уларнинг Ҳун хоқони Туман тангирут даврида ҳунларга тоқобил келадиган бир халқ сифатида тилга олади.

Демак, Марказий Осиё халқларига нисбатан хитой манбаларида ишлатилган «юэжи» атамаси ҳунлар томонидан тилга олингандан сўнг, хитой манбаларига киритилган. Шунинг учун ҳам яшма тошини билдирадиган атамадан мустасно бошқа белги, яъни «Юэжи» деб кўрсатилган.

Хитой манба ва манбаларига қадимдан берилган изоҳларда юэжилар ҳақида: «Юэжилар қадимий халқларнинг биридир. Мил. ав. III-II асрларда Дўйгхуанг (Дуҳан) билан Чиланшан²⁶ тоглари оралигига яшаган чорвачи халқдир. Мил. ав. 177—176 илларда улар ҳулларнинг ҳужумига учраб, кўп қисми Или дарё водийсига кўчиб кетган. Булар «доюэжилар» деб аталган. Кўчмасдан Чиланшан тогига кириб олиб, чёнг²⁷ [қавм]га аралашиб кетган юэжиларнинг бир оз қисми «кичин юэжилар» деб аталган» деб ёзадилар²⁸.

«Юэжи» атамаси икки иероглифдан ташкил топган бўлиб, «Юэ»-нинг маъноси ўзбек тилида «сой» сўзини билдириши билан бирга уруғ, қабила номини билдиради²⁹. «Жи» иероглифи эса, уруғ, аймоқ, насл, зот, авлод ва фамилияни билдиради³⁰.

«Юэжи» атамасини тадқиқ қылган олимлар жумладан, хитой, япон олимлари мазкур атамани хитой тили талаффузи бўйича маҳаллий

²⁶ Чиланшан тоги ҳақида ҳар хил талқин мавжуд. Хитой тарихчиларнинг (жумладан, Жант-Шовжие) тадқиқотига кўра, мазкур тог Ланжу шаҳрининг жанубий-гарбига тўғри келадиган Нанишан тоги деб кўрсатишиади. Баъзилар (Ян-Шигу каби-лар) Тангритогининг (Тёшон) ўзгинаси деб айтишиади. Хитой олимларининг кўпчилиги биринчи фикр тарафдори бўлса-да, япон тадқиқотчиларидан Фудзита Тоёхати каби-лар «Ханинома»нинг муаллифи Бан-гу берган маълумотларга асосланаб, Нанишан тогининг поми айнаи ўзгармасдан ёилиши деб айтиади. Бундан рус олими М. В. Крю-ков, хитой олими Ян-Шигу хulosаси тарози палласини кўпроқ босадиганлигини ёза-ди (Восточный Туркестан в древности и в раннем средневековье, С. 237). «Фойдаланиши материаллариз»да берилган маълумотга асосланаб Чиланшан тогини Тангритогининг Гансу (Кенгсу) ўлкасидаги қисми, (яъни Тангритогиниг гарбий бир бўлгига) деб кўр-сатишиади. Ҳунлар даврида Шарқий Туркистондаги (изоҳда Шинжонгдаги) Тангри-тое — Шимолий Тангрито, Кенгсу ўлкасидаги Тангрито (яъни Чиланшан тоги) жанубий Тангрито деб аталағанлиги айтилади (Симо-Чян. Тарихий хотиралар. Урумчи, 390-бет).

²⁷ Ченглар хитой манбаларида қадимий қавмларнинг бири деб кўрсатилган. Хо-зирги Гансу, Чингхай, Сициаан ўлкаларида яшаган. (Бангү. Ханнома, «24 тарих»даги Утра Осиёга оид материаллар. Урумчи, 1994. 74-бет.)

²⁸ Симо-Чян. Тарихий хотиралар. Урумчи, 166, 491—492-бетлар.

²⁹ Большой китайско-русский словарь. Т. 3. М., 1984. С. 156—157.

³⁰ Уша китоб 4-жилд. 188-бет.

тилдан таржима қилинган ном деб қарашади. Уларнинг фикрича, атама учун қабул қилинган хитой нероглифи, ҳозирги ўқилишида «юэжи» бўлиб, қадимда бутунлай бошқача ифодаланган. «Юэжи» атамасидаги «юэ» («уше») нероглифи қадимда «ngiwaṭ» деб талаффуз этилган³¹. Олимлар «ngiwaṭ» сўзининг бошланишидаги «ngi» ўринига «g» деб ҳам ўқилганилигини тасдиқлашади³². Натижада қадимда «юэ» сўзи «gwat» яъни «гут» ўқилган.

Қадимий манбаларда хитой ёзуви қандай талаффуз этилганилиги тўғрисида илмий ишларда, юэжи атамасидаги иккинчи нероглифи «жи» («zhi»)³³ қадимда «zie» деб ўқилганилиги кўрсатилса-да³⁴, тадқиқотчи Карлгрен (Karlgren) қадимги хитой тили талаффуз қонунияти асосида «юэжи» тахминан Gut-ti, Got-ti, Gwat-ti, Gat-ti каби ўқилиши мумкинлигини айтади³⁵.

«Гут»лар хитой манбаларida милодий VI асрда динглингларнинг (тўроларнинг) бир қабиласи сифатида тилга олинади³⁶. Уша маълумотта асосланганда, милодий IV асрда динглинг-тўро қабилалари иттифоқи ташкил топганда³⁷, «гут» қабиласи унинг таркибида бўлган VIII—IX асрга оид тибетча ҳужжатда, Ҳур (Уйғур) хоқонлигига қарар, шимоли гарбда яшаб, очвилик билан шуғулланадиган «гут» қабиласи ҳақида гап юритилади³⁸. Тўро қабила иттифоқига уйтүр қабиласи кирганилиги учун, Ҳур хоқонлиги тўро қабиласига мансуб хоқонликдир. Демак, Ҳун хоқонлиги уюшмасига эса тўро қабилалари иттифоқи ҳам кирганилигидан, унинг таркиbidагi гут қабиласини ҳунлар ўз замонасида «гут» деб атаганилиги маълум бўлади.

Умуман айтганда тадқиқотчилар хитой манбасида келтирилган «юэжи» атамаси қадимда «гуд-ти» ёки «гу-ти» деб талаффуз қилинганилигини тасдиқлаган. Ана шунга асосланганда, қадимий хитой тарихчиларининг келтирган маълумотларида «Да юэжи» атамасидаги «да» сўзи хитойча катта, улуғ деган маънода бўлиб, ҳун тилидаги «гути» номли қабила, қадимий хитой тилида «gwaṭ» деб аслича талаффуз қилинган. Юон тилида «улуг», «катта» мазмунидаги «мас» ёки «маза» сўзи ҳун тилида ҳам айнан ўша мазмунда бўлганилиги сабабли, хитой тилида «да» сўзи қабул қилинганилиги маълум бўлади. Натижада «да юэжи» атамаси ҳун тилида «Катта гути» ёки «Улуг гути» деган мазмунни билдирадиган атама эканлиги тасдиқланади.

³¹ Han zi gu yin shou ce (Хитой хатининг қадимий талаффуз маълумотномаси), Бекин, 1986. 44-бет.

³² Имин Турсун. Торимдан томча. Бекин, 1990. 478-бет.

³³ Жи (zhi)—нероглифи ҳозирги хитой тилида, қабила, уруг, қазм, насаб деган мазмунда келади. Большой китайско-русский словарь. Т. 4. М., 1984. С. 188.

³⁴ Han zi gu yin shou ce (Хитой хатининг қадимий талаффуз маълумотномаси), Бекин, 1986. 57-бет.

³⁵ Имин Турсун. Торимдан томча, 477—478-бетлар.

³⁶ Ҳожаев А. «Шарқшунослик» мажмуаси, Тошкент, 1995, 6-сон, 147-бет.

³⁷ Айвар Бойтур. Хайринисо Сидик. Шинжонгдаги миллатлар тарихи. 264-бет.

³⁸ Курбон Вали. Бизнинг тарихий ёзувларимиз. Урумчи, 1986. 189-бет. А. Абдурасул ўғли. Туркий халқлар тарихига оид бир тибетча ҳужжат//Ўзбекистонда ижтимоий фанлар Тошкент, 1997. 6-сон, 75-бет,

Абу Абдаллах ал-Хорезми считал алгебру одной из частей практической арифметики. Решены два линейных и два квадратных уравнения.

В пятой главе из второй статьи речь идет о геометрии, которая состоит из следующих разделов: 1) о введении этого искусства; 2) о линиях; 3) о плоскостях; 4) о телах.

Абу Абдаллах ал-Хорезми утверждал о том, что «джуматрия» (т. е. геометрия) греческое слово, по-персидски «андоза». В «Началах» Евклида (III в. до н. э.) собраны все разделы этой науки, они классифицированы, решено много задач, дан ряд доказательств теорем.

Плоскость имеет два измерения — длину и ширину, в теле есть еще и третья — глубина (т. е. высота).

Линии бывают трех видов: прямая, кривая (или дугообразная) и ломаная.

В плоские углы входят прямой, тупой и острый. Кроме них есть и телесный угол. Затем определены круг, секущая, хорда, плоский и с обратным синусы.

В третьем разделе речь идет о поверхностях (плоская, выпуклая, вогнутая).

К плоским поверхностям относятся прямоугольник, квадрат, ромб, параллелограмм, трапеция. Затем определены луночка, яйцеобразная, сектор, выпуклая шаровая поверхность, цилиндр, конус и их поверхности.

В четвертом разделе рассматриваются следующие тела: 1) тетраэдр, 2) куб, 3) октаэдр, 4) икосаэдр, 5) додекаэдр, 6) призма, 7) пирамида, 8) усеченная пирамида, 9) шар, 10) эллипс, 11) чечевицеобразная.

В шестой главе из второй статьи изложена астрономия.

В ней четыре раздела: 1) о названиях звезд, планет, неподвижных звезд и их видов; 2) о строении неба, формы Земли и того, что с ним связано; 3) об основах строения и форме спутников; 4) о приборах астрономов.

Абу Абдаллах ал-Хорезми пишет о том, что «астрономий» — это греческое слово, в переводе означает «наука о звездах».

На основе геоцентрической теории построения рассматриваются такие семь планет, как Сатурн, Юпитер, Марс, Солнце, Венера, Меркурий, Луна.

Автор утверждает о том, что имеется 45 видов неподвижных звезд, в том числе и 12 созвездий Знака Зодиака, т. е. Овна, Тельца, Близнецов, Рака, Льва, Девы, Весов, Скорпиона, Стрельца, Козерога, Водолея, Рыб.

К десяти северным созвездиям относятся Малая Медведица, Большая Медведица и др.

Автор считает, что расстояния между планетами и звездами очень большие и с помощью астрономии можно найти координаты различных населенных пунктов, составлять календари, измерять время, определять правильный путь в степи или пустыне.

Далее разъясняются процессы затмения Солнца и Луны.

В третьем разделе излагаются основы строения и формы спутников.

В четвертом разделе речь идет о конструировании и использовании таких приборов астрономов, как плоская и совершенная астролябии.

Восьмая глава из второй статьи посвящена механике. В ней два раздела: 1) о подъеме и передвижении тяжестей с помощью силы и машин; 2) о двигающихся машинах и удивительных приспособлениях.

В первом разделе речь идет о таких терминах механики, как колесо, ось, рычаг, ворот, клин, винт, пресс и спираль, затем описываются военные машины механики: 1) катапульта, 2) цепь, 3) стрела, 4) гусеница, 5) железный клин.

Во втором разделе изложены принципы работы таких гидравлических машин, как сифон, амфора, насос, водяная мельница, пилетка, разбрзыватель и фонтан.

Затем описываются клип, отвес (или лот) и куня. Абу Абдаллах ал-Хорезми пишет о том, что эти приборы используют плотники, землемеры и строители.

Таким образом, «Ключи наук» («Мафатих ал-Улум») Абу Абдаллаха ал-Хорезми является универсальной энциклопедией: разделы по арифметике, алгебре, геометрии, астрономии и механике представляют средний уровень физико-математических наук X века.

Этим сочинением пользовались не только ученые, но и люди практической деятельности, например, торговцы, землемеры, строители, плотники, делители наследства и др.

Г. Машарипова

**АБУ АЛИ ИБН СИНО «УСУЛ 'ИЛМ АЛ-ХАНДАСА»
(**«ГЕОМЕТРИЯ НЕГИЗЛАРИ»**) АСАРИНИНГ ФАН
ТАРИХИДАГИ ЎРНИ**

Ўрта асрларда Евклид (Уклидус) «Негизлари»га катта қизиқишлар бўлиб, бу асар кўпчилик олимлар томонидан ҳар томонлама ўрганилган.

Абу Али иби Синонинг «Усул 'илм ал-хандаса» асари энг муҳим математик таснифлашлардан ўборат. Ибн Сино унинг асосий муаммолари ва шаклларини ўзигача бўлган математик олимларнинг изланишлари асосида яратди. Илмий изланишлар давомида геометрия ва сонлар назарияларига қўйимчалар киритиб, исботлашлар билан тўлдирди ва янгича тартибда таснифлади. Бу таснифлаш геометрияда биринчи математиклардаги қисқартмаларнинг хилма-хиллиги билан муҳим ўрин тутади.

Абу Али иби Сино болалик чоғлариданоқ математика ва астрономия фанлари билан қизиқади. Бу фан Ибн Синонинг отаси Бухоро яқинидаги уйига жойлаштирган биринчи устози ан-Нотилий билан шуғулланган фанлар доирасига киради. Бироқ, Ибн Сино ўз таржиман ҳолида баён қилишича, тез орада шогирд устоздан ўзиб кетади ва бу

соҳада унга ўргата бошлайди: «Мен унинг раҳбарлигига Евклид «Негизлари»дан беш ёки олти жумлани ўқидим, кейин китобнинг қолган қисмни ўзим мустақил тушуниб олдим. Сўнгра мен Птолемейнинг «Ал-Мажистий»сига ўтдим. Мен унинг муқаддима қисмни ўқиб туғатиб, геометрия бўлимига ўтганимда ан-Нотилий менга бундай деди: «Сен буларни ўзинг мустақил ўқи ва ўзинг тушуниб ол. Сўнгра ўқиган нарсангни менга кўрсат, зоро, мен сенга нимани тўғри ва нимани хато тушувганингни изоҳлаб берай. Бу киши шу китоб билан ҳеч қачон шугулланмаган эдч ва мен уни мустақил англашга киришдим. Қанчадай-қанча ҳолатларни у биринчи марта мен уларни унга кўрсатиб тушунтирганимдан кейинги билди»¹.

Ибн Сино фалсафий фанларни икки гуруҳга: назарий ва амалийга ажратади. У назарий фанларни физика ва математикага бўлади.

Ибн Сино фикрича, математик фанлар қўйидаги қисмларни ўз ичига олади: сонлар назарияси (иљм ал-адад), геометрия (иљм ал-ҳандаса), астрономия (иљм ал-ҳай’а) ва музика (иљм ал-музиқа).

Абу Али иби Синонинг ҳаёти ва ижодиёти ниҳоятда оғир шаронтида ўтди. У бутун умри бўйи бир шаҳардан иккинчи шаҳарга, бир ўлқадан иккинчи ўлқага кўчиб юришга мажбур бўлди. 999 йили Сомонийлар давлати ҳалок бўлгач, 1002 йили Ибн Сино Бухородан Хоразмга кетади.

Хоразм бу даврда Шарқнинг маданий ўчиқларидан бири бўлиб, у ерда ижод этиш учун инебатан яхши шаронт бор эди. Бу ерда Маснхий, Абу Наэр иби Ироқ, Абу Райҳон Беруний, Абу-л-Хайр Ҳаммор каби машҳур олни ва шоирлар яшар эди.

Ибн Сино ҳам Хоразм шоҳи Маъмун иби Маъмун II саройида йирик олимларни бирлаштирган илмий муассасасага келиб қўшилди. Илмий муассасада қомусчи олим Абу Наэр иби Ироқ раҳбарлигига табиий фанлар соҳасидаги чуқур илмий изланишлар олиб борилади. Ибн Сино бу ерда тинчгина илмий иш билан шугулланниб, илмий асарлар яратиш учун маълумотлар тўплайди.

Геометрия — Ибн Синонинг фикрича, математик фанлардан бигтаси ёки биринчи математик фандир. Унинг асосида тўғри чизиқларининг ҳолатлари, текисиллар учун ҳар хил шакллар, ўлчов тушунчаси, мутапосиблiliklar, инебетлар ва ҳоказолар ётади.

Ибн Синонинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида, шунингдек, унинг фаолияти учун зарур бўлган муҳим маълумотларни ал-Байҳақий (1105—1169 й.), Ибн ал-Кифтий (1172—1227 й.)ning «Донишмандлар тарихи», Абу-л-Фараж Бар Ибрей (1226—1286 й.), Ибн Ҳалликои (ваф. 1282 й.), Ибн Абу Усайбия (XIII) асарларидан билиш мумкин.

Ибн Синонинг табиий фанларни ўзига камраган энг йирик асарини «Ли-Шифо»дир. У бу асарни Бувайҳий Шамес ад-Даула (вафоти ҳижрий 412 милиодий 1021) амириллиги даврида Ҳамадонда 10 йил мобайнида ёзган².

¹ «Усул илм ал-ҳандаса» қўллэзмаси. 2720-қўллэзма Ўз ФА Шарқшунослик институти.

² Ибн Сино. Аш-Шифо. «Усул илм ал-ҳандаса», ал-Қоҳира. 1976. Иброҳим Мадкур таҳрири.

Бу асар Ибн Синонинг энг йирик фалсафий асари ҳисобланади: уни ўз даврининг илмий қомуси деса бўлади. Бу асар 4 қисмдан иборат: 1) мантиқ; 2) табиий файлар (бу қисмда минераллар, ўсимликлар, ҳайвонот олами ва инсонлар ҳақида алоҳида бўлимларда гап юритилади); 3) математик, яъни риёзиёт илмлари (бунда арифметика, геометрия, астрономия ва мусиқа ҳақида баҳс боради); 4) метафизика ёки илоҳиёт. Бу асарининг табиий файлар ва метафизикага тегиши қисмлари 1887—1888 йили Техронда тошбосмада нашр этилган, мантиқ қисми эса 1962 йилдан бошлаб Коҳирада бир неча жилда босилган. Фақат айrim бўлимларигина лотин, сурёнӣ, иброний, иеромас, инглиз, француз, рус, форс ва ўзбек тилларида нашр этилган.

«Аш-Шифо»нинг учинчи қисми—буни муаллиф учинчи жумла, яъни туркум деб атайди, бу туркумни фақат математик фанларга оид асарлар ташкил қиласди.

Абу Убайд ал-Жузжоний — Иби Синонинг шогирди бу ҳақда шундай ёзади:

«Исфаҳонда Абу Али иби Сино «Аш-Шифо» китобини тутатишни билан банд бўлди. Шу ерда «Аш-Шифо»нинг мантиқ ва астрономия қисмини тутатди. Бу вақтгача у Евклид геометриясини ва музикасининг қисқартмасини тутатган эди»³.

Евклидинг «Негизлар» асари ўн учта асардан иборатdir. Унинг ўти тўртинчи ва ўн бешинчи асарлари юнон математиги Гипенкл (милодгача II асрининг иккинчи ярми) яратган. Абу Али иби Сино эса «Негизлар» китобини қисқарттириб, «Аш-Шифо»га киритган. «Қисқартма» сўзини унинг шогирди ал-Жузжоний ишлатади. Буни Иби Сино қўйидаги иборада тасдиқлайди: «Мен Евклидинг «Негизлар» китобини жуда латиф қўлиб таҳрирладим ва ундаги шубҳаларни ҳал қилиб, шу билан кифоялландим»⁴.

«Аш-Шифо»нинг геометрия қисми «Евклидга қисқартмалар» деб аталса ҳам, «қисқартма» сўзи бу китобдаги шаклларни қисқарттириши маъносида эмас, балки ундаги исботлашларни ва баъзи жумлаларни қисқарттириш маъносида айтилган. Бу китобга Иби Сино ҳам, ўзининг қўшимчалари, исботлашлари, масаланинг қўйилиши ва ечилиши билан боялиқ бир қанча қўшимчалар киритган ва натижада ўзининг катта ҳажмдаги «Усул 'ilm al-ҳандаса» асарини яратди. Иби Сино бу асарни яратишда қандай манбалардан фойдаланганлигини айтиш қийин. Аниқки, у Евклидинг «Негизлар»идан фойдаланган. Ал-Ҳажжож ва Собит иби Курранинг таҳрирларидан-чи? Иби Синонинг бу китобдаги жадвалини ал-Ҳажжож ва Собитининг жадваллари билан солиштирсанак, барча китоблари ўзаро мувоғиқ тушмайди. Албатта, бундан Иби Сино ал-Ҳажжож ва Собит иби Курра асарларидан фойдаланмаган,— деган холоса келиб чиқмайди. Бир қанча жумлалар буни кўрсатади. Масалан, Иби Сино бешинчи китобининг бошида «Ниебат—бу ихтиёрий ўхшаш ўлчовлардан олинган ўлчовдир»,— деган таърифни беради. Бу ал-Ҳажжожининг Лейденда сақланадиган 2-таҳририда келтирилган ан-Насавийнинг изоҳларидан олинган таҳрирга мос тушади.

³ Ўша асар. Абдулҳамид Сабра мұқаддимаси 3-бет,

⁴ Ўша асар, 4-бет.

Иби Сионинг «Усул 'ilm al-ҳандаса» («Геометрия негизлари») (Туркия Аё Софиядан келтирилган 2720-рақамли қўллэзма 89 а, б варақдан иборат) ва Иби Сино «Китоб аш-Шифо» асарлари 1976 йилда Қоҳирада араб тилида нашр қилингани, (448 саҳифали тошбосма) ўни беш мақоладан (ҳажми жиҳатидан қатта бўлганинги учун мақолани—китоб, деб атаймиз) иборат бўлиб, унда 418 та геометрик шакл бор.

Иби Сионинг «Усул 'ilm al-ҳандаса» қўллэзмасида таърифлардан кейин талаб қилиниадиган жумлаларни келтириб, уларни «Аниқланадиган негизлар», улардан кейин аксиомаларни «Умумий тушунчалар» деб атаган. Иби Сино таърифлари, постулатлари ва аксиомаларидан айримларни келтирамиз:

Таърифлар: *Нуқта* — бу шундай нарсаки, унинг бўлаклари йўқ. *Чизиқ* — энсиз узунилкдир. Чизиқнинг икки учи нуқталардир.

Тўғри чизиқ — бу унда ётган нуқталарнинг йўналишида чизилган (чиликдир).

Сирт — бу фақат узунилк ва кенгликка биргаликда эга нарсадир, унинг чеккалари чизиқлардир.

Айланадиган — текис шакл бўлиб, уни битта чизиқ ўрайди. Унинг ички нуқтасидан узоқлашувчи барча тўғри чизиқлар айланагача бир хилдир ва у марказдир.

Айланадиган диаметри — бу марказдан ўтувчи айланадан—айланагача бўлгани тўғри чизиқдир.

Тўғри чизиқларни ифодаловчи шакл—бу тўғри чизиқларни ўрайдиганидир. Шулардан биринчиси—бу учбурчакдир. Бу шундай шакли, уни учта тўғри чизиқ ўрайди ва у тенг томонли, тенг ёли—иккита томони бир хил учбурчак, турли томонлидир. Шунингдек, тўғри бурчакли учбурчак (битта бурчаги тўғри), ўтмас бурчакли (бурчаги ўтмас) учбурчак, ўтқир бурчакли (барча бурчаклари ўтқир) учбурчаклар мавжуддир. Шунингдек, тўртбурчак, параллелограмм, трапеция ва параллел тўғри чизиқларга таъриф берилади.

Постулатлар:

1. Ҳар бир нуқтадаи истаган иккичи нуқтага тўғри чизиқ ўтказиш мумкин.

2. Чегараланган ҳар бир тўғри чизиқни истаганча давом эттириш мумкин.

3. Истаган марказдан ҳар қандай радиус билан айланадиган чизиш мумкин.

4. Ҳамма тўғри бурчаклар ўзаро тенгдир.

5. Бир текисликда ётган, икки тўғри чизиқни учинчи тўғри чизиқ кесиб, бир томонли ички бурчаклар ҳосил этса ва бу бурчаклар йигинидиси икки тўғри бурчакдан кичик бўлса, мазкур тўғри чизиқларни давом эттирганда улар йигинидиси икки тўғри бурчаклар кичик бурчаклар остида кесишади.

Аксиомалар:

1. Битта нарсага тенг нарсалар (ўзаро) тенгдир.

2. Агар бир нарсанинг икки бараварлари ва яримлари тенг бўлса, у ҳолда уларнинг ўлари ҳам (ўзаро) тенгдир.

3. Тенг нарсага тенг нарсани қўшсак, ҳосил тенгдир.

4. Тенг нарсадан тенг нарсани айрсак, ҳосил тенг эмасдир.
5. Тенг эмас нарсадан тенг нарсани айрсак, ҳосил тенг эмасдир.
6. Тенг эмас нарсага тенг эмас нарсани қўшсак, ҳосил тенг эмасдир.
7. Бир хил нарсалар (ўзаро) тенгдир.
8. Бутун ўзининг қисмидан каттадир.
9. Иккита тўғри чизиқ фазони ҳосил қилмайди.

Ибн Сино яшаган даврда арифметика қонунлари аксиомалар деб аталган, лекин давр тақозоси билан улар ҳозирги кунда баъзилари ишботланади. Бу ишботлар Лейбниц таърифларига асосланади.

Юкорида баён этилган «Усул 'имл ал-ҳандаса» асарининг 15 та китобида «жумла»ларни келтирган. Бу ерда «жумла» сўзини теорема, лемма ёки ясашга доир масала деб тушуниш керак. 1-китоби 53 та жумладан, 2-китоби 17 та жумладан, 3-китоби 36 та жумладан, 4-китоби 18 та жумладан, 5-китоби 25 та жумладан, 6-китоби 31 та жумладан, 7-китоби ҳам 31 та жумладан, 8-китоби 25 та жумладан, 9-китоби 32 та жумладан, 10-китоби 108 та жумладан, 11-китоби 38 та жумладан, 12-китоби 16 та жумладан, 13-китоби ҳам 16 та жумладан, 14-китоби 11 та жумладан, 15-китоби 5 та жумладан иборат. Ибн Сино келтирган барча жумлаларнинг баъзиларини ишботлаган, баъзиларини эса тушунтиришга ҳаракат қўлган.

«Усул 'имл ал-ҳандаса» асари геометриядан дарслик ҳисобланган. Шу сабабли Ибн Сино бу асарида Евклидинг «Негизлари» китобини асос қилиб олган бўлса ҳам, геометрик масалаларни ва жумлаларни ўқувчиларга осон тушунишлари учун содда тилда тушунтиришга иштилган. Бу асар геометриядан ўқиш (дарслик) китоби ҳисобланган. Шу сабабли Ибн Сино бу асарида Евклидинг «Негизлар» китобини асос қилиб олган бўлса ҳам, геометрик масалаларни, теоремаларни ва жумлаларни жуда содда равишда тушунтиришга иштилган, аниқ чизмалар, геометрик қуроллар — паргор ва чизғични татбиқ этиш усулларидан фойдаланган. Бу қўлё ма фақат дарслик ҳисобланмасдан, балки ўша давр фани тараққиётига катта таъсир кўрсатган.

Геометрия соҳасидаги бир қанча муаммоларни, масалан, параллел тўғри чизиқлар назарияси ва геометрияга ҳаракат тушунчасини татбиқ этиш каби масалаларни ўз ичига олган бу асар, кейинги асрларда яшаган хорижий давлатлар олимлари ижодига таъсир этди. Бу олимлар геометрия соҳасидаги муаммоларни янада кенгроқ ва чукурроқ текширишга эришдиларки, бунга Ибн Синонинг илмий ишлари катта таъсир кўрсатди. Абу Али ибн Сино баён этган фикрлар бу муаммоларни ҳал этишда асосий йўналиши бўлди.

Кейинги даврларда (XVIII—XIX асрларда) ўртаосиёлик қомусий олимлар математика соҳасида, ўзларигача яратилган билимларни ҳар томонлама ўрганиб, таҳдид қўлганлар-у, лекин янги соҳаларни яратмаганлар ва умуман фани янги кашфиётлар билан бойитмаганлар, фақат ўзидан олдинги ўтган олимларнинг ишларини ўргангандар ва олдинги хуносаларни мукаммаллаштирганлар, деган нотўғри фикрлар ҳам бор.

Математика соҳасида кўп йиллар илмий тадқиқот ишлари билан шуғулланган А. П. Юшкевич ўзининг «IX—XV асрларда Ўрта Осиё халқларининг математикаси» номли мақоласида юқорида айтилган фикрларнинг нотўғри эканлигини қайд қилиб, шундай ёзди: «Энг асосий масала шундаки, Ўрта Осиё математиклари (IX—XV асрлар) ўзларидан олдин ўтган олимларнинг ишларига фақат сон жиҳатидан таъсир этиб, давом эттириб қолмасдан, балки математик текширишларга янги ғоявий йўналиш бердилар, сифат жиҳатидан янги математика тузишга киришдилар ва шунинг учун ҳам бу фанини биринчи даражали аҳамиятга эга бўлган янги қашфиётлар билан бойитдилар». Ушбу фикрнинг исботи сифатида Ибн Синонинг «Усул 'ilm ал-хандаса» асарини келтирамиз. Еу асар фан тарихида ўтмиши халқларимиз меросини ўрганишда жуда катта аҳамият касб этади.

Қадимги замон ва ўрта асрлар фалсафий таълимоти асосида бешта доинишмандлик фанлари ётади. Булар: мантиқ, физика, астрономия, мусиқа ва фалсафадир. Тўрт математик фан: геометрия, астрономия, арифметика ва мусиқа биргаликда «квадривиум», янги тўрт математик фанлари комплекси сифатида ўрта асрларда Шарқ ва Фарб мамлакатларининг олий ўқув юртларида ўқитилган.

Ибн Сино «квадривиум»ни ёзишда машҳур юонон классик олимлари Евклидининг «Негизлар», Птолемейнинг (II аср) «Ал-Мажистий», «Гармония ҳақида таълимот» асарлари ва Никомахининг (I аср) «Арифметикага кириш», шунингдек, Форобий (873—950) нинг «Мусиқа тўғрисинда жуда китоби асарларини асос қилиб олди.

Машҳур олим Абу Али ибн Сино асарлари жуда кўп тилларга таржима этилди. Бу асарлар орқали кишиликтининг жуда кўп авлодлари бир неча асрлардан бери фан асосларини әгаллаб келмоқдалар, бу асарларга юзлаб олимлар шарҳлар ёзганлар.

Ибн Сино асарлари, унинг фалсафий қарашлари, олимнинг замондоши Абу Райҳон Беруний ва ундан кейин яшаган кўп олимларнинг ижодига катта таъсир этди. Шарқ ва Фарбнинг машҳур олимлари Умар Хайём, Носир ад-Дин ат-Тусий, Улуғбек, Аҳмад Дониш, Италия ёзувчиси Данте, Испания ёзувчиси Лопе де Вега ва бошқаларга таъсир кўрсатди.

Абу Али ибн Синонинг «Усул 'ilm ал-хандаса», «Донишнома», шунингдек, унинг жуда кўп йиллар давомида олиб борган табобатдаги фаолиятидан тўплланган жуда бой тажрибаси, унинг «Тиб қонуилари» ва бошқа асарлари кишилиқ жамиятининг минг йилдан ортиқ тарихий тараққиёт йўлини босиб ўтди ва бу йўлда учраган тўсиқларни енгиг ўтиб, бизнинг кунларгача етиб келди.

Мустақил Ўзбекистон Республикасининг бой хазинасида ажойиб қўллэзмалар сақланар экан, бу қўллэзмаларни халқимизга етказиш, ўтмиш меросимизни ўрганиш биз манбашуноқлар олдида ҳам қарз, ҳам фарзdir.

Дар симонисти профити Т. Қозоқов

«АЛ-ИЗОҲ» ЖУРНАЛИ ТАРИХИЙ МАНБА СИФАТИДА

Россиядаги февраль инқилоби, 300 йилдан ортиқроқ ҳукмронилик қилган Романовлар сулоласининг таҳтдан ағдарилиши ўлкадаги тараққийпарвар кучлар томонидан ҳам зўр хурсандчилик билан қарши олинди.

Маҳаллий илғор зиёлилар зудлик билан миллий жамият ва нашрлар учун ҳаракат бошладилар.

1917 йил март ойининг бошларида ўлка мусулмон зиёлиларининг «Шўрон Исломия» жамияти тузилди. Бу ташкилотниң вужудга келиши тасодифий ҳол бўлмай, балки Туркiston халқлари сиёсий фикрлари тадрижий ривожланишининг қонуний интиҳоси эди. Унинг таркибини турли ҳил дунёқараишдаги, бироқ миллий озодлик гояларини ўзларининг асосий мақсади деб билган ўлка зиёлилари ташкил қиласлар эди.

Россиядаги сиёсий ўзгаришлар бевосита турли гуруҳ, оқим ва фирқаларнинг сиёсий фаоллигининг ошувига ва улар ўртасидаги сиёсий мунозараларга ҳам йўл очди.

1917 йилнинг ёзида Туркistonдаги ички сиёсий вазият миллий жамиятлар мисолида мурраккаб аҳволни ўзида акс эттиради. Айрим муаммолар юзасидан қарашларининг турличалиги боис, миллий ҳаракатда бўлинниш жараёни тезлашди. Бу муаммолар: диний ислоҳотлар, аёллар юзини очиш, урушга, Россия ва Туркistonнинг бўлажак сиёсий тузилмаси ва муваққат ҳукумат томонидан олиб борилаётган миллий сиёсатга муносабат ва бошқалар хусусида эди¹.

Бунинг оқибатида 1917 йил июнь ойига келиб, «Шўрон Исломия» ташкилотидан халқ орасида катта нуфузга эга бўлган «Шўрон Уламо» жамияти ажралиб чиқди. Жамиятининг дастур ва низоми июль ойн бошларида Тошкентда Беклар-бети мадрасасида бўлиб ўтган 25.000 кишилик митингда тасдиқланди².

«Шўрон Исломия» ва «Шўрон Уламо» ташкилотлари маслакда бир нарсага яъни Туркistonнинг сиёсий мустақиллиги ғоясига таянار эдилар. Бироқ, «Шўрон Уламо»нинг вакиллари фикрига кўра, Туркiston жамиятининг бўлажак ички сиёсий тузилмасида шариат қонунларига қатъий равишда амал қилиниши керак эди.

1917 йил сентябрь ойининг ўрталарида миллий демократик ҳаракатларда бирлашиш жараёнлари ҳам кўзга ташланади. 1917 йил 17—20 сентябрь кунлари Тошкентда «Шўрон Уламо» ташабуси билан Туркiston ва қозоқ мусулмонларининг съезди бўлиб ўтди. Бу съездга Туркistonнинг деярли барча ҳудудларидан шунингдек, Урал ва Тўргай вилоятларидан келган 500 делегат иштирок этади. Съезд-

¹ Нажот. 1917 йил, 3 июнь.

² Туркестанские ведомости. 1917 год 18 июля.

да бутун Туркистон учун ягона бўлган «Иттифоқи Муслимин» деб номланувчи сиёсий партияни тузишга қарор қилинди³.

Янги тузишган «Шўрои Уламо» жамияти тез орада ўз нашри «Ал-Изоҳ» журналига эга бўлди. Журналнинг биринчи сони 1917 йилнинг 19 июнь куни чоп этилди. Ушбу журнал ўз саҳифаларида даврнинг долзарб муаммоларини, диний-аҳлоқий, сиёсий, маданий, иштисодий ва ижтимоий масалаларни ёритиб борди. Шунингдек, унда турли хил эълонлар ҳам чоп этилиб турган. Унда, ўзбек ва тоҷик тилларидаги шеърлар, ўз даврининг йирик уламоларидан ҳисобланган Пирмуҳаммад Аъзам, Аҳрорхон Маҳдум, Мулла Тошпӯлат қори, Сайид Аҳмад Васлий, Мубаширхон Маҳдум, Мулла Қорабой Тўракўргоний ва бошқаларнинг шеър ва мақолалари ҳам нашр этилди.

Шу билан бирга журнал «Эл байроғи», «Дин ва майшат» каби нашрлардан олиб босилган мақолаларни ҳам чоп этиб турган.

Журналнинг жами 31 та сони нашр этилган бўлиб, бугунги кунда унинг мавжуд нусхалари Узбекистон Республикаси Давлат Миллий Китоб Палатасида ҳамда А. Навоний номли Республика Давлат кутубхонасининг «Нодир китоблар» бўлимида ПЯ ўз рақами остида сақланмоқда.

Журналнинг деярли ҳар бир сонида савол-жавоб руҳни ташкил этилган бўлиб, унда асосан муштариylарни қизиқтирган фиқҳий масалаларга идора томонидан жавоб берилган⁴.

Саволлар асосан шаръий муаммоли масалалар юзасидан берилган. Масалан, журналнинг 2-сонида Мулла Муҳаммад Азим Рўзимуҳаммад ўғли рамазон ойида киши жон бошига бериладиган фитр садақаси ҳақида сўрайди⁵.

Шунингдек, муаллифлар томонидан кўплад диний мавзудаги мақолалар ҳам чоп этилган бўлиб, уламо жамияти аъзоларининг ушбу

³ Улуғ Туркистон. 1917 йил 30 сентябрь.

⁴ Мулла Муҳаммад Азим Рўзимуҳаммад ўғли. Садақаи фитрдан савол//Ал-изоҳ/1917 йил 28 июн; Абдулҳақ Абдулнаби ўғли. Саволлар//Ал-изоҳ 1917 йил 5 июль; Мирфайз Мирфайзий. Саволлар//Ал-изоҳ. 1917 йил 8 август; Мулла Иноятulloҳ Мақсадкори ўғли. Саволлар//Ал-изоҳ. 1917 йил 26 август; Самэрқандлик Мансурхўжа ўғли. Саволлар//Ал-изоҳ. 1917 йил 9 сен.; Мулла Мирзаохонжон Маҳзум Мулла Иброҳим халфа ўғли. Саволлар//Ал-изоҳ 1917 йил 22 сен.; Мулла Ақмалхон. Саволлар//Ал-изоҳ. 1917 йил 12 окт.; Наманганилик Мулла Хошимхон афанди. Илтико ва саволлар//Ал-изоҳ 1917 йил 22 окт.; Мулла Қорабой Тўракўргоний. Яна бир саволи яхид//Ал-изоҳ. 1917 йил 22 окт.; Тошкентлик Мулла Абдурашид қори. Саволлар//Ал-изоҳ. 1917 йил 5 ноябр.; Қорабулоғлик Мулла Юсуфхонхожи Мулла Амир ўғли тарафиндан саволлар//Ал-изоҳ. 1917 йил 16 окт.; Ҳабибуллоҳ қори Саволлар//Ал-изоҳ. 1917 йил 28 ноябр.; Мулла Иноятуллоҳ Мақсадкори ўғли. Саволлар//Ал-изоҳ. 1917 йил 11 дек.; Фискендлик Мулла Абдулбори. Саволлар//Ал-изоҳ. 1918 йил 16 март; Тоҳжидин бин Насридин. Саволлар//Ал-изоҳ. 1918 йил 21 март; Мулла Қорабой Тўракўргоний. Савол//Ал-изоҳ. 1918 йил 31 март.; Мулла Ҳоликмұхаммад Тўракуқ. Савол//Ал-изоҳ. 1918 йил 5 апр.; Мулла Зикрulloҳон. Савол//Ал-изоҳ. 1918 йил 13 апр.; Мулла Фатхуллоҳ Маҳдум Савол//Ал-изоҳ. 17 апр.; Мулла Юсуф Маҳдум. Саволлар//Ал-изоҳ. 1918 йил 21 апр.

⁵ Мулла Муҳаммад Азим Рўзимуҳаммад ўғли. Садақаи фитрдан савол//Ал-изоҳ. 1917 йил 28 июн.

масалаларга бўлган муносабатларини аниқлашда катта аҳамиятга эгадир⁶.

Журналнинг 13-сонида Абдулҳамид Мулла Абдуррасул ўғли томонидан «Жамоат ун-нисо» номли мақола чоп этилган бўлиб, унда муваллиф асосан аёллар номози, унинг шартлари, аёллар учун номозда руҳсат этилган ва этилмаган ҳолатлар, аёлларнинг жамоат номози ҳақидаги фикрларини Куръони Карим ва Ҳадиси шарифга таянган ҳолда баён этиб беради⁷.

1917—1918 йиллардаги мураккаб сиёсий жараёнларни, сиёсий гуруҳ ва фирқаларни ўлкада кечайётган мавжуд ижтимоий-сиёсий воқеаларга муносабатини Туркистоннинг деярли барча матбуот нашрлари ўз саҳифаларида ёритиб бордилар. Ўз навбатида воқеаларнинг тафсилотига «Уламо жамияти»нинг сиёсий муносабати «Ал-Изоҳ» саҳифаларида ҳам акс этди⁸.

Шунингдек, журналда иқтисодий масалалар баёнига ҳам алоҳида ўрин ажратилган⁹.

⁶ Идора. Васиятнома тўғрисида//Ал-изоҳ. 1917 йил 19 июнь; Мулла Мұхаммадхўжа. Рўза муносабати ила бир мақола//Ал-изоҳ. 1917 йил 28 июнь; Мулла Алижон. Аҳли ислом тараққиётлари борасида//Ал-изоҳ. 1917 йил 6 июль; Аҳрор бин Абдуллоҳ. Таъсир масаласи//Ал-изоҳ. 1917 йил 15 июль; Мулла Сайдидаҳмад Вәслий Самарқандий. Шарнит исломни//Ал-изоҳ. 1917 йил 26 авг.; Мулла Тошқори. Идди қурбон муносабати ила бир мақола//Ал-изоҳ. 1917 йил 11 сен.; Мулла Пирмуҳаммад Аъзам. Шарнат билан ўйнаганларта таъбеҳ//Ал-изоҳ. 1917 йил 22 сен.; Мұхаммад Макдий Мулла Ҳамийдуллоҳ ўғли. Насиҳатнома муносабати ила бир-иккى сўз//Ал-изоҳ 1917 йил 22 сен.; Чустлик Абдулҳамид Махдум Мулла Абдуррасул ўғли. Жамоат ун-нисо//Ал-изоҳ. 1917 йил 12 окт.; Идора Исломга чиқув//Ал-изоҳ. 1917 йил 11 дек.; Сайдидаҳмад Васлий. Никоҳ ҳаққинида//Ал-изоҳ. 1918 йил 6 янв.; Айнiddин. Диенат аҳлини очиқ хитоб//Ал-изоҳ. 1918 йил 9 март.; Ҳусниддинзода. Диенат аҳлини//Ал-изоҳ 1918 йил 21 март.; Сирожиддин Мажидов. Шаръий савол//Ал-изоҳ. 1918 йил 13 апр.; Мулла Абдулқодир Муаттароф. Шариатга иқбол саодат//Ал-изоҳ. 1918 йил 17 апр.

⁷ Чустлик Абдулҳамид Махдум Мулла Абдуррасул ўғли. Жамоат ун-нисо//Ал-изоҳ 1917 йил 12 окт.

⁸ Аҳрорхон Махдум. Мұхтарам мусулмон биродарлар//Ал-изоҳ. 1917 йил 19 июнь; Абдулқодирхўжа. Адолатдан инхироф//Ал-изоҳ. 1917 йил 19 июнь; Аҳрор бин Абдуллоҳ. Иттиҳод ва итифоқ//Ал-изоҳ. 1917 йил 15 июль; Идора. Кофказ ҳайъати//Ал-изоҳ. 1917 йил 15 июль; Мулла Сиддиқхўжа ибн Хонсаййидхўжа. Ялпли қозоқ сиездига//Ал-изоҳ 1817 йил 8 август.; Идора. Чаён кўр эмии//Ал-изоҳ. 1917 йил 11 сен.; Ҳуршид. Ҳурриятдан бил истифода ижроий хусумат//Ал-изоҳ. 1917 йил 6 окт.; Идора. Тошкентда «Уламо жамияти» ва ҳам «Ҳалойинқ жамияти»нинг сиезди//Ал-изоҳ. 1917 йил 6 окт.; Социалист ва ислом //Ал-изоҳ. 1917 йил 5 ноябр.; Идора 16 нўябрда Тошкенда бўлғон мусулмон краевои сиездининг қарори//Ал-изоҳ. 1917 йил 28 ноябр.; Идора. Мусулмон краевои сиездининг батағиси қарори 28 ноябр.; Идора. Тошкентда мухторият намойиниши//Ал-изоҳ. 1917 йил 25 дек.; Үринбургда мусулмон аскарийларининг протести//Ал-изоҳ. 1918 йил 6 янв.; Идора. Улуг митинглар қарорлари//Ал-изоҳ. 1918 йил 21 янв.; Сайдидаҳмад Васлий. Мухторият учун нутқлар//Ал-изоҳ. 1918 йил 1 фев.; Сайдидаҳмад Васлий. Таражий ва Ватан ҳаққинида//Ал-изоҳ. 1918 йил 1 фев.; Мубаширхон Баширий. Ҳуррията хитоб//Ал-изоҳ. 1918 йил 24 фев.; Мулла Пирмуҳаммад Аъзам. Аҳли инсоғларга хитоб//Ал-изоҳ. 1918 йил 24 фев.; Идора. Тошкандда «Уламо жамияти»нинг ташвиши ила улуг ҳайрат//Ал-изоҳ. 1918 йил 16 март.; Мулла Тошқори. Аҳли инсоғ ва диенатлар вижданнина//Ал-изоҳ. 1918 йил 31 март.

⁹ Мирзабоши. Муваққат ҳукуматнинг ер хусусидаги хитобномаси//Ал-изоҳ. 1917 йил 26 авг.; Ер ва сув ҳаққинда//Ал-изоҳ. 1917 йил 11 дек.; Мулла Тошқори. Ер ҳаққинда//Ал-изоҳ. 1918 йил 21 март.; Мулла Тошқори. Ер ҳаққинда боқияси//Ал-изоҳ. 1918 йил 21 апр.

Журналнинг 1917 йил 8-сонида «Муваққат ҳукуматнинг ер хусусиндаги хитобномаси» номли мақола эълон қилинган бўлиб, унда муаллиф ер масаласи асосий аҳолиси қишлоқ хўжалиги билан банд бўлган Туркистон аҳолиси учун ғоят мухим масала эканлиги баён қилинади. Шу билан бирга мақолада муваққат ҳукуматнинг ушбу масалага муносабати, таъсис мажлисига тайёргарлик каби муаммолар ҳам ёритилган¹⁰.

Журнал саҳифаларида маданият ва илм-фанга багишланган кўплаб мақолаларни ҳам учратиш мумкин¹¹.

Бевосита адабиётга оид мақолалар журналда деярли учрамайди. Бироқ, унинг саҳифаларида турли мавзуларга багишланган ўзбек ва тожик тилларида шеърлар чоп этилиб турган¹².

Журналда бошқа нашрлардан олинган мақолалар ҳам бериб борилган. Шунингдек, унда бошқа газета ва журнallар ҳақидаги мақолалар ҳам учрайди¹³.

«Ал-Изоҳ» шуниси билан ҳам қадрлики, унда уламоларнинг мавжуд ижтимоий-сиёсий вазиятга, муваққат ҳукуматга, Туркистон мухторияти ва унинг тугатилишига бўлган муносабатлари ҳам ўз инфодасини топган.

¹⁰ Мирзабоши. Муваққат ҳукуматнинг ер хусусиндаги хитобномаси//Ал-изоҳ. 1917 йил 26 авг.

¹¹ Мулла Шоислом котиб. Илм ва маориф борасида//Ал-изоҳ. 1917 йил июль.; Мулла Ҳабибуллоҳ бин Савфон. Янги журнал//Ал-изоҳ. 1917 йил 22 окт.; Авлиёоталик Мубашширхон. Туҳфатул ховон фи улум ва ирфон//Ал-изоҳ. 1917 йил 5 ноябрь.; А. Қақиризода. Маданият самаралари//Ал-изоҳ. 1918 йил 5 апр.

¹² Сиддиқий. Тоза адабиёт//Ал-изоҳ. 1917 йил 19 июнь.; Мулла Сидиқ Остонқули. Ҳаққоният//Ал-изоҳ. 1917 йил 15 июль.; Сирожиддин Маҳдум Зоҳидий. Таронаи ислом. Иброний садоқат. Сайлловга даъват//Ал-изоҳ. 1917 йил 15 июль.; Мулла Турсунимӯҳаммад Олим Туркистоний. «Жамият Уламо» йо изҳори ташаккур//Ал-изоҳ. 1917 йил 6 сен.; Мир Абдуллоҳ Маҳдум. Шеър//Ал-изоҳ. 1918 йил 24 фев.; Авлиёоталик Жалолиддинхўжа. Фи ал-тамсил ва ал-ташибийх//Ал-изоҳ. 1918 йил 16 март.; Мулла Муҳаммадхўжа мұфтый. Тарихи ҳарби Ҳўқанд//Ал-изоҳ. 1918 йил 21 март.; Тошкандлик Камий. Ағусономия Ҳўқанд фожеасина//Ал-изоҳ. 1918 йил 21 март.; Мулла Муҳаммад Юнус «Рамзий» Тошкандий. Илтижо//Ал-изоҳ. 1918 йил 17 апр.

¹³ Дин ва манишатдан турли ҳабарлар//Ал-изоҳ. 1917 йил 17 авг.; Эл байроғи. Ҳўқанддаги краевий сиёл қарорлари//Ал-изоҳ. 1917 йил 11 дек.; Кори Олим. 28инчи нўмирилик «Дин ва манишат»дан//Ал-изоҳ. 1917 йил 11 дек.; «Дин ва манишат»дан. Қозон уламо сизедининг мусулмонларга хитоби//Ал-изоҳ. 1918 йил 24 фев.; Ҳайъат идораси. «Дин ва манишат» муштаријларина//Ал-изоҳ. 1918 йил 31 март.

Кэндзо Қавасаки

К ВОПРОСУ ТОЛКОВАНИЯ СОДЕРЖАНИЯ ТЕМАТИЧЕСКОЙ РОСПИСИ ИЗ ФАЯЗТЕПА

Одна из важных задач в изучении истории и культуры буддизма Средней Азии связана с иконографической интерпретацией буддийского изобразительного искусства, а также материалов, полученных при археологических работах в ряде буддийских памятников. Однако

исследования в этой области весьма непросты, поскольку буддийское искусство отражает сложную идеологию этой религии, а сами произведения доходят до нас в неполном виде.

Особое внимание в этом аспекте могут привлечь настенные росписи, обнаруженные в святилище буддийского монастыря Фаязтепа. Л. И. Альбаум в своих работах приводит сообщение и дает подробное описание этих уникальных росписей¹. Вокруг центрального образа Будды на них представлены изображения ряда персонажей, таких, как царь со своими подчиненными, боги (один из них имеет имя «Фарро»), три женщины-адоранта². Среди них есть фрагменты настенной росписи, называемые Л. И. Альбаумом «Будда в нимбе», хранящиеся в государственном Музее истории Узбекистана³, найденные в завале у внешней стены святилища со стороны открытого двора⁴.

Основа у них глиняная, краски клеевые. Главный Будда представлен в большом масштабе, общая высота сохранившейся части до груди составляет 70 см, от темени до подбородка — 44 см. Лицо полное, продолговатое, с правильными чертами. Дугообразные брови черного цвета приближены к переносице, зрачки полузакрыты тяжелыми веками, взор устремлен вниз. Нос прямой, его штриховка создает впечатление, что кончик был слегка изогнут. Губы тонкие, уши удлиненные. Лоб обрамляют гладкие черные волосы с ушнишей на темени. Одежда красного цвета, у шеи обрисована тонкой черной линией. Лицо светло-телесного цвета, только уши и висок окрашены розовым, а контуры лица, брови, ресницы, кончик носа, губы, углубление под нижней губой окаймлены красно-коричневой краской. Над головой видны часть нимба и мандорлы.

По линии мандорлы с правой стороны вкось изображены по два Будды в сидящей и стоящей позах. Верхний сидящий Будда (высота 22 см) представлен в позе размышления. У него ровные брови и полузакрытое верхнее веко. У второго сидящего Будды черной линией отчеркнута рука в красной одежде. Сидящие Будды также имеют нимб и мандорлу. За вторым Буддой изображены два сидящих Будды (сохранившая часть 31 см). Фигуры слегка наклонены вправо, так как больше опираются на правую ногу.

Корпус несколько откинут назад. Правая рука согнута в локте, кисти рук в позе «абхазия-мудра». Левая рука у пояса со сжатыми пальцами, по-видимому, держит край одежды.

У нижнего стоящего Будды прослеживается двойная мандала, нарисованная весьма тонкой линией черного и красного цвета. Вниз

¹ Альбаум Л. И. Раскопки буддийского комплекса Фаяз-тепе (По материалам 1968—1972 гг.)//Древняя Бактрия. Л., 1974. С. 55—56; Его же. Живопись Афрасиаба. Ташкент, 1975. С. 90, табл. LI; Его же. Живопись святилища Фаязтепа//Изобразительное и прикладное искусство. Ташкент, 1990. С. 18—27; Его же. Фаязтепа//Культура и искусство древнего Узбекистана. М., 1991. № 119, 120. С. 110—111.

² Альбаум Л. И. Изобразительное и прикладное искусство. С. 18—27.

³ Альбаум Л. И. Культура и искусство древнего Узбекистана. 1991. № 120. С. 111.

⁴ Автор выражает благодарность Е. А. Камарской за ее согласие на использование материалов в данной статье.

от нижнего стоящего Будды сохранилось изображение головы молодого персонажа (около 14 см). Голова поднята вверх и обращена к стоящему Будде. Волевое лицо с правильными чертами. Дугообразную правую бровь продолжает линия носа с легким изгибом. Правый глаз открыт, а его зрачок обращен к стоящему Будде. Рот с пухлой нижней губой. Продолговатое лицо обрамляют спускающиеся на шею черные выющиеся волосы. Слева на волосах широкая белая лента. За головой белый нимб. Лицо окрашено в телесный цвет, бровь, ресницы, кончик носа, губы и подбородок окаймлены красно-коричневой краской, волосы черные. За этим молодым человеком изображены пять стоящих персонажей, но из-за плохой сохранности их лица неясны. Волосы у них черные, на темени имеются выпуклый шиньон и нимб — такие же, как у Будд. Размеры панели 80×240 см.

На другом фрагменте представлен Будда вместе с маленькими фигурами сидящих и стоящих Будд. По отношению к ним главный Будда изображен в гораздо большем масштабе. Его фигура сохранилась до груди, но, судя по выражению лица, присущего медитирующему Будде, и общей композиции росписи Будда, возможно, был изображен сидящим. Он имеет нимб и мандорлу, в которой еще представлены маленькие Будды в сидящих и стоящих позах. Так же, как и главный Будда, они в красных одеждах — сангхати, закрывающих оба плеча и образующих складчатый воротник или кайму из мелких чистых складок. Маленькие фигуры сидящих Будд вероятно имеют позу «дхъяна-мудра», а фигуры стоящих Будд слегка наклонены вправо, с опорой на правую ногу — весьма характерная поза для буддийского изобразительного канона: правая рука передана в жесте «абхай-мудра» (поза увещевания), а левая придерживает край одежды. Внизу композиции сохранилось изображение головы молодого человека — персонажа с белым нимбом, обращающегося к стоящему Будде. Справа от этого персонажа имеется еще несколько стоящих фигур, также обращенных к Будде, каждый из которых имеет нимб.

Вопрос толкования содержания этой тематической росписи затруднителен, поскольку роспись представлена весьма фрагментированно. Однако можно заметить, что она обладала единой композицией вместе с изображениями радиально расположенных фигур малых Будд в нимбе, самого огромного Будды, а также почтительно взирающих на него персонажей. Чтобы понять эту сцену, обратимся к каменному рельефу из Тахти-Бая⁵, где на лотосовом постаменте изображен сидящий Будда в позе «дхъяна-мудра» (поза размышления), а по обе стороны от него расположены по три маленькие фигуры стоящих Будд в радиальном расположении. У края плиты представлена коленопреклоненная фигура со сложенными в позе молитвы руками, поклоняющаяся Будде. Японский искусствовед профессор А. Миядзи этот рельеф с так называемой темой «Будда, излучающий свои чудесные образы» толкует как сцену демонстрации чудесных его сил, о которой упоминается в

⁵ Catalogue for the Exhibition of Gandhara Art of Pakistan. NHK. Tokyo, 1984. illus. 1—10.

первой главе махаянических сутр, например таких, как «Saddharma-pundarika-sutra», «Samdhinirmocana-sutra» и «Tathagatagarbha-sutra»⁶.

Согласно первой главе лотосовой сутры («Saddharma-pundarika-sutra»), Будда в окружении монахов, монахинь, мирян и мирянок в кругу различных богов и бодхисаттв проповедовал сутру «Неоценимые Значения», после чего впал в состояние великого духовного размышления, а с неба стали падать цветы и земля Будды затряслась. Затем все существа, в том числе якша, гандхарва, ашура, гаруда, киннара и маҳорагас, присутствующие на этом собрании, уверовали в Будду и, весьма удивленные, обрадовались чудесному зрелищу.

В это самое время Будда излучал из урны свет, осветивший всю страну (землю) Будды от ада до самого края небес. В этом свете можно было увидеть многочисленных Будд, живущих на этой земле⁷.

Таким образом, в этих махаянических сутрах описывается тот эпизод из жизни Будды, когда он, чтобы убедить все население (в сутрах упоминается о собрании, состоящем из мудрецов, богов, бодхисаттв и др.) в истинах дхармы, впал в состояние великого духовного размышления и проявил свои мистические способности. Будда стал излучать из урны («третий глаз» — символ в середине лба) свет, который осветил всю страну (землю) Будды от ада до самого края небес («Saddharma-pundarika-sutra»), и таким образом он проявил в луче света воплощение своих многочисленных чудесных качеств — образов Будд с лотосами («Tathagata-garbhasutra»)⁸. Следовательно, возможно на этом каменном рельефе отражена сцена «Чуда великого света», развернутого описанная в ряде буддийских сутр⁹. Изображения Будды на фоне радиально скомпонованных фигур стоящих Будд передают идею о том, что он излучает божественный свет-пламя, лучи-языки пламени которого есть проявление его чудесных сил¹⁰.

Аналогичный сюжет со сценой «Чуда великого света» встречается в нескольких произведениях гандхарского искусства¹¹. Например, в верхней части рельефа из Мохамад-Нари также изображен Будда в сидящей позе на лотосовом постаменте в окружении чудесных своих проявлений¹². Рельефы с сюжетом «Будда, излучающий свои чудесные

⁶ A. Miyaji. Iconology of Parinirvana and Maitreya — from India to Central Asia. Yoshikawa kobunkan, Tokyo, 1992. P. 333—334; A. Miyaji. Gandara — Hotoke no fushigi. Kodansha Tokyo, 1996. P. 258—259.

⁷ Hoke-kyo (jou). Translated by Y. Sakamoto and Y. Iwamoto Iwanami Bunko, Tokyo, 1995. P. 8—21; The lotus sutra. Translated by Burton Watson. Columbia University Press, New York, 1993. P. 3—6. Благодаря доброму содействию господина Х. Фудзиварапа — корреспондента «Сэйкио Синъбун» (Токио) автор имел возможность ознакомиться с английским переводом текста лотосовой сутры.

⁸ «Tathagatagarbhasutra». Translated by N. Takasaki.—Daijo Butten. Vol. 12. Chuo Koronsha. Tokyo, 1992. P. 10—111.

⁹ A. Miyaji, 1996. P. 259.

¹⁰ Там же.

¹¹ Там же; Catalogue for the Exhibition of Candhara Art of Pakistan..., illus. 1—9.

¹² Rosenfield J. M. The Dynastic Arts of the Kushans California, 1967, figure 90; Кстати, исследователи дают различные истолкования для этого рельефа. Спроопер D. B. Excavations at Takht-i-Bahi, Annual Report Archaeological Survey of India, 1907—1908. P. 143. (J. M. Rosenfield, 1967. P. 236—238); Huntington J. C.

образы», принадлежат к поздним этапам гандхарского искусства и датируются IV—V вв. н. э.¹³

Вернемся же к рассмотрению фаязтепинской живописи. Здесь изображения стоящих и сидящих фигур Будды не имеют лотосовых постаментов, как на гандхарских рельефах, вследствие чего изображения из Фаязтепа не соответствуют описаниям в махаянических сутрах. Изменилось, например, изображение света из урны, лотоса и самого Будды. Но, тем не менее, между изображениями из Фаязтепа и гандхарскими рельефами много общего, в частности сходство общей композиции в изображениях радиально размещенных фигур малых Будд в нимбе огромного Будды, а также персонажей, почтительно взирающих на Будду. Небезынтересно отметить, что все персонажи на фаязтепинской живописи имеют нимбы — атрибуты божества. Вновь вернемся к лотосовым сутрам, где упоминается о собрании, состоявшем из мудрецов, богов, бодхисаттв и др., ставших свидетелями «Чуда великого света». Возможно, что на фаязтепинской росписи изображены вышеупомянутые или местные божества с нимбами над головой, вошедшие в буддийский пантеон уже в процессе распространения буддизма на территории Средней Азии, что также сближает фаязтепинские сюжеты с описаниями в древних текстах лотосовых сутр.

Еще одно совпадение в изображениях сцены фаязтепинской живописи с описанием в лотосовых сутрах — это упоминание о том, что перед началом проповеди Будду окружали четыре вида поклоняющихся (монахи и монахини, миряне и мирянки), с правой стороны от которого было собрище, состоящее, судя по облику, из монахов.

Интересен вопрос о хронологической соотнесенности между этими сутрами и фаязтепинской живописью. По мнению исследователей, создание «*Tathagatagarbha-sutra*» относится к середине III в. н. э., а «*Saddharmapundarika-sutra*» — к I—II вв. н. э.¹⁴, что соответствует периодам функционирования монастыря Фаязтепа¹⁵.

Исходя из этого, изображения различных божеств и донаторов из других фрагментов росписей, обнаруженных вместе с вышеописанной в святилище Фаязтепа, возможно отображают действующих лиц в качестве свидетелей «Чуда великого света» в собрании на горе «*Gridhrakuta*», о котором упоминается в лотосовых сутрах¹⁶. При этом изображения трех поклоняющихся Будде женщин напоминают мирянок «*Mahaprajapati*» и «*Yashodhara*»¹⁷. Отметим, что одной из важных

A. Gandharan Image of Amitayus, Sukhavati. Annali, Vpl. 40, Napoli. P. 651—672. Например, А. Фуше толкует данный рельеф как «Великое чудо Шуравасти» (A. Fouche, The Great Miracle at Sravasti. The Beginnings of Buddhist Art. London, 1917, p. 170—174). М. Кояма представил иную трактовку, основанную на описании сутры «*Amitayur-dhyana-sutra*» (Коуама М., 1966. A New Interpretation of the Figures on the Stele of Mohammad Nari — Orient, 39—1. P. 100—114).

¹³ A. Miyaji. 1996. P. 258—259.

¹⁴ Hoke-kyo (ge). Translated by Y. Sakamoto and Y. Iwamoto. Iwanami Bunko. Tokyo, 1994. P. 419; «*Tathagatagarbhasutra*» с 1992. P. 6.

¹⁵ Альбазум Л. И. Изобразительное и прикладное искусство. С. 26.

¹⁶ Hoke-kyo (jo). 1995. P. 8—9; The lotus sutra... P. 3.

¹⁷ Hoke-kyo (jo). 1995. P. 10—11; The lotus sutra... P. 4.

идей лотосовой сутры является женское равноправие в процессе достижения нирваны. Среди многочисленных махаянических и хинайанистических сутр такая идея отражена только в лотосовой сутре¹⁸.

Таким образом, возможно изображения фаязтепинской живописи имеют определенную связь с идеями, изложенными в письменных источниках (макаянических сутрах), в которых Будда представлен трансцендентным вечным существом. Кроме того, наличие изображений богов или правителя на фаязтепинской живописи вероятно есть косвенное свидетельство культурного и религиозного слияния. Из этого можно предположить, что буддийская культура изменилась в Северной Бактрии — Токаристане под влиянием различных идеологий кушанско-го государства.

¹⁸ D. Ikeda. Hoke-kuo no chi-e Vol. I. Tokyo. 1996. P. 107—114.

Б. Абдухалимов

ҮРТА ОСИЕ ОЛИМЛАРИ БАГДОДДА

(IX—XI асрлар)

Эллинистик даврнинг охиirlарида фан ва маданиятнинг ўчоги Мисрнинг Искандария шаҳрига тўғри келса, мусулмон маданиятининг «олти даври» ҳисобланган IX—XI асрларда фан ва маданиятнинг ривожи Хурросон ҳамда Амударёнинг ортидаги ўлка—Мовароунахрга ёки замонавий истилоҳ билан айтилса, Үрта Осиёга кўшиб ўтди. Бу ўлкадан Мұхаммад ал-Хоразмий, Абу Наср ал-Форобий, Аҳмад ал-Фарғаний, Исмоил ал-Бухорий, ал-Беруний, Ибн Сино, аз-Замахшарий каби улкан алломалар етишиб чиқдикни, улар она юртлари илм ва фанини юқори мартабаларга кўтариб, ўз номларини тарих зарварақларига абадий битиб кетишли. Мазкур алломаларнинг кўпчилиги, ўша даврдаги сиёсий, иқтисодий, илмий шарт-шаронлардан келиб чиқсан ҳолда араб халифалари, уларнинг ноиблари ёки лашкарбошилари бошқарган турли шаҳарларда яшаб ижод этишган. Хусусан, уларнинг каттагина қисми халифалликнинг побітахи Бағдодда ташкил этилган «Ҳикматлар уйи» («Байт ал-ҳикма») да фаолият қилишган. «Байт ал-ҳикма», ўша даврнинг йирик илмий маркази, турли миллат олимларининг ўзаро тажриба алмашган ва ҳар хил маданиятларнинг эса ўзаро учрашган нуқтаси бўлган. Шу сабабдан ҳам бу тажриба ва илм маркази илмий адабиётларда ўзига хос Файлар академияси деб тан олниганд. «Байт ал-ҳикма»да илмий фаолият олиб борган донишмандларнинг катта қисми Үрта Осиё олимлари эканлиги биз учун алоҳида аҳамият касб этади.

Илмий адабиётларда «Байт ал-ҳикма»ни машҳур халифа Хорун ар-Рашид ҳукмронлик қилган даврда (786—809) ташкил этилган деб

қабул қилинган. Умуман, «Байт ал-ҳикма»нинг асосларини халифа Абу Жаъфар ал-Мансур (754—775) тарафидан яратилган, Хорун ар-Рашид уни ҳар тарафлама кенгайтирган ва ниҳоят унинг ўғли халифа ал-Маъмун (813—833) даврида эса бу илм даргоҳи ўзининг энг юқори ривожланиш нуқтасига эришган деган хulosани бериш мақсадга мувофиқ бўлади. Халифа ал-Маъмун ўз фаолиятида халифаликнинг шарқий ҳудудидаги ҳалқларга, яъни Хуросон ва Мовароунахрликларга кўпроқ суняган. Бу ҳолни биз хусусан ал-Маъмун ўз атрофига тўплаган алломалар мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Умуман, ал-Маъмун машҳур тарихий шахс, нуғузли халифа ва дин арбоби, тадбиркор ва маълум маънода айёр сиёсатчи ҳамда башарият тарихида энг йирик илм ва фан ҳомийларидан бири бўлган. Ал-Маъмун ўзи бошқарган давлатда илм ва илм аҳлларига катта эътибор билан қаради ва уни ривожлантириш учун барча шароитларни яратишга ҳаракат қилди. У алломаларни ўз саройига тўплаб, улар билан турли илмий мавзуларда мунозаралар олиб боришининг шайдоси бўлган. Бу мунозараларда ўша даврининг энг кўзга кўринган алломалари иштирок этишар эди. Мазкур алломалар дунёнинг турли бурчакларидан таклиф этилган бўлиб, улар орасида мусулмонлар билан бир қаторда масиҳийлар, яхудийлар ва бошка диний эътиқод вакиллари ҳам бўлган. Тақдир тақозоси билан ал-Маъмун саройида тўпланган турли миллат ва маданият вакиллари ўзаро тажриба алмашдилар, бир-бирларини ҳам илмий, ҳам маънавий бойитдилар. Натижада ўша давр фани ва маданияти тараққиётida улкан кашфиётлар яратилди ва келажак учун замин ҳозирланди. Ал-Маъмун бобоси ал-Мансур, отаси Хорун ар-Рашид тарафидан саройда тўпланган китоблар сонини кўпайтирди. У ерда олиб борилган илмий изланишлар сифат жиҳатидан тубдан ўзгарди, эришилган наазарий маълумотлар заманий тажрибалар орқали текширила бошланди. Шу тарика «Байт ал-ҳикма» ҳинд, юнон, форс ва туркий тилларда битилган асарлар ва ушбу мамлакатлар алломалари тўпланган энг йирик илмий марказга айланди. Халифа «Байт ал-ҳикма»га жамланган китобларни араб тилига таржима қилиш, ўрганиши мақсадида саройга гаржимонларни таклиф этди. Улар орасида Ҳунайн бин Исҳоқ, Юхания бин Масавейҳ, Абу Саҳл ал-Фадл бин Навбахт, Ёқуб ал-Киндий, Бану Муса, Собит бин Курра, Куста бин Лука ал-Баълбакий каби машҳур таржимонлар фаолият кўрсатган. Асарлар аввал юнон тилидан сурёний тилига, сўнгра эса араб тилига ўгирилди. Архимед, Евклид, Аристотель, Платон, Гален, Гиппократ, Птолемей каби машҳур юнон мутафаккирларининг асарлари араб тилига ўгирилиб, ислом оламига танишитирildi ва тарқалди. Ал-Маъмун таржима ишларига катта эътибор бериб, уларги ҳомийлик қилди ва ҳар бир таржима қилинган китоб учун балъзи ҳолларда китоб вазнига мос келадиган микдорда олтин ишъом этарди. Ал-Маъмун умумий ҳисобда ўи йил давомида Марв шаҳрида яшади. Ҳозирги Туркманистоннинг Байрам-Али минтақаси яқинидаги жойлашган Марв ўша даврининг йирик маданий марказларидан ҳисобланган. Ал-Маъмун араб халифалигини тўла йигирма йил (813—833) бошқарган бўлса, ушбу муддатнинг аввалги олти, яъни 813—819 йилларини Марв шаҳрида ўтказди. Натижада Марв мазкур йиллар да-

зомида араб халифалигининг пойтахти вазифасини ўтади. Бу ҳол эса ўз навбатида Ўрта Осиё халқлари сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётинда ўз инъекосини топди.

Юқорида таъкидланганидек, «Байт ал-ҳикма»да тўпланган олимларнинг аксариятини Хурросон ва Ўрта Осиё мутафаккирлари ташкил этган. Улар ўз вақтида ал-Маъмун билан Марвда танишиб, кейинчалик халифанинг таклифиға кўра Бағдодга кўчиб ўтишган эди. Дастребки маълумотларга қараганда, Бағдоддаги «Байт ал-ҳикма»да йигирмадан ортиқ Ўрта Осиё олимлари фаолият кўрсатгандар. Улар орасида энг машҳури Мұхаммад ал-Хоразмий эди. Хоразмда олим сифатидаги шаклланган ал-Хоразмий ўз илмий фаолиятини катта қисмини «Байт ал-ҳикма»да ўтказди. Манбаларда «Байт ал-ҳикма»ни ал-Хоразмий таъафидан бошқарилгани ҳақидаги маълумотлар сақланган. Ал-Хоразмий ўндан ортиқ асарларнинг муаллифи бўлиб, уларнинг аксарияти аллома тарафидан Бағдода ёзиб битказилди. У хусусан, математика, астрономия ва география соҳаларида ўчмас из қолдирди. Ал-Хоразмий ҳозирги замон математика фанининг бир қанча тармоқ ва фундаментал концепцияларининг асосчисидир. Жумладан, у замонавий алгебра фанининг биринчи таъсис этувчиси ҳисобланади. Ал-Хоразмий мазкур фанни нафақат маълум системага солди, балки у бу фандаги оддий ва мураккаб тенгламаларнинг таҳлилий ечимларини ишлаб чиқди. Ҳозирда бутун дунёда қўлланилайдиган алгебра сўзининг ўзи олимнинг машҳур «ал-Жабр ва-л-муқабала» номли асаридаги биринчи сўздан олинган бўлиб, Европада ўзгартирилиб, «алгебра» шаклида ёзилди ва бу сўз фанда шундайлигича ўрнашиб қолди. Олим такомиллаштирган «иккιи хато» орқали ҳисоблаш услуги муаллифи дифференциация концепциясига бошлаб келди. Ал-Хоразмий 0 (нолни) ишлатишни расмий равишда арифметикага олиб кирди ва шу туфайли ҳозир фойдаланилаётган ўйлик позицион системаси бутун дунёга тарқалди. Муаллифнинг сонлар системаси ҳақидаги асарларидан бирни Европада «Algoritm» номи билан танилган ва бундан замонавий «алгоритм» сўзи келиб чиқкан. У арифметика фанидаги қатор ҳисобларни, жумладан, касрлар билан бажариладиган амалларни ҳисоблашни янги погонага кўтарди.

Ал-Хоразмий математикадан ташқари астрономия илмида ҳам унумли фаолият кўрсатди. Олим бу фанининг турли мавзуларига оид бир қанча рисолалар ёзган бўлиб, уларнинг энг машҳури «Зижж» («Астрономик жадваллар») деб аталади. Ал-Хоразмий бу асарида ўзининг шахсий кузатишлари, Птолемей ҳамда ҳинд ва эрон астрономларининг тажрибаларига асосланиб, Куёш, Ой ва сайёralар эфемеридаларининг жадвалларини көлтирган¹. Тадқиқотчиларнинг якдил фикрига кўра, ал-Хоразмийнинг астрономия соҳасидаги буюк хизмати шундаки, «у эҳ-

¹ Булгаков П. Г. Ўрта Осиё олимларининг Бағдоддаги фаолияти/Шарқшунослик. Тошкент, 1990. 1-сон. 23-бет. Муаллиф ўз мақоласида Ўрта Осиё олимларининг фаолиятини фақат математика ва астрономия билан чегаралаган. Бизнинг мақолада зса мазкур алломаларнинг бошқа соҳалардаги фаолиятлари ҳам қамраб олинган бўлиб, ўша давр Бағдодда ташкил этилган «Байт ал-ҳикма» илмий мактабига алоҳида ўтиббор қаратилган.

тиёж туғилган пайтда шундай асар яратдики, бу билан у астрономияни Улугбек давригача, яъни бир неча асрга стандартлаштириди. Хоразмийдан кейинги барча астрономлар ўз «зиж»лари учун унинг «Зиж»ини намуна сифатида дастак қилиб олдилар².

Ал-Хоразмий география фанининг ривожига ҳам катта ҳисса қўшган. Унинг «Ернинг тасвири» («Суврат ал-ард») асари ўрта аср араб халифалигида яратилган илк ва муҳим географик асарлардан бири бўлган. Асарда муаллиф Птолемейнинг географик қарашларини нафақат шарҳлаб таҳлил қиласди, балки, у бу қарашларга қатор ўзгартиришлар киритиб, уларни ривожлантиради. Ал-Хоразмий Ўрта Осиё, Эрон ва араб давлатлари географиясини тавсифлашда Птолемейга нисбатан тўлиқ маълумотларни келтиради. Баъзи адабиётларда таъкидланишича, етмишга яқин географлар ал-Хоразмий раҳбарлигинда тадқиқотлар олиб борганлар ва дунёнинг биринчи харитасини яратгандар. Ал-Хоразмий тахминан 850 йилларда Бағдодда вафот этди.

Бағдода фаолият кўрсатган Ўрта Осиёнинг йирик математик ва астрономларидан яна бири Аҳмад бин Абдаллоҳ ал-Марвазий бўлиб, у илмий адабиётларда «Ҳабаш ҳисобчи» («ал-Ҳабаш ал-Ҳасиб») лақаби билан машҳур. Бу олим аслида марвлик бўлиб, ўз илмий фаолиятини ал-Маъмун ҳузуридаги «Байт ал-Ҳикма»да олиб борган. Илмий адабиётларда у тахминан 864—870 йилларда туғилган деб тахмин қилинади³. Иби ан-Надимнинг кўрсатишича, у юз йилдан кўпроқ умр кўрган⁴. Аҳмад ал-Марвазий «Астрономия жадваллари» («Зиж») деб номланган учта — «Зиж», «Дамашқ зижи» ва «ал-Маъмуннинг текширилган зижи» астрономик жиҳозлар ва геометрияга бағишлиланган қатор рисолаларнинг муаллифи⁵. Ал-Марвазийнинг тригонометрия соҳасидаги кашфиётлари ниҳоятда таҳсинга сазовор. Унинг Берлинда ягона нусхада сақланган «Дамашқ зижи» асарида дунёда биринчи бўлиб тангенс ва котангенсларнинг жадвали 1 даража орқали тузилган⁶.

IX аср математикасининг ривожида муҳим ўрин тутувчи олимлардан яна бири Абд ал-Ҳамид бин Турк ал-Хутталийдир. У Панж ва Вахш дарёлари орасидаги Ҳутталон миңтақасидан бўлиб, асосан математик сифатида шуҳрат қозонган. Баъзи муаллифларнинг Иби Турк ал-Хутталий Мұҳаммад ал-Хоразмийдан ҳам аввал алгебрага оид рисола бўлган деган фикри билдиришгани маълум. Аммо замонавий тадқиқотчилар бу тахминнинг ўринисиз эканлигини ишботлашган⁷.

² Аҳмедов А. А. Муҳаммад иби Муса ал-Хоразмий. Танланган асарлар. Тошкент, 1983. 24-бет.

³ Булгаков П. Г. Уша мақола, 24-бет.

⁴ Иби ан-Надим. Китаб ал-Фихрист. Қаранг: Рада Зайн ал-Абидин ал-Хайрий ал-Мазандараний. Иби ан-Нодимнинг «Китоб ал-Фихрист» асари ҳақида тадқиқот Байрут, 1989, 334-бет.

⁵ Матвиевская Г. П., Розенфельд Б. А. Математики и астрономы мусульманского средневековья и их труды. Кн. 2. М., 1983. С. 47—49.

⁶ Булгаков П. Г. Уша асар. 1990, 24-бет.

⁷ Булгаков П. Г. Иби Халдун и Абу Камил о Хорезме//ОНУ, Ташкент, 1982. С. 40.

Бағдод илмий мактабида катта қызықиши билан қаралған соҳалардан бири шубҳасиз, астрономия әди. Астрономиянынг ривожланишини эса күндалық ҳаёт әхтиёжлари тақозо әтган. Жумладан, мусулмонлар учун қибланинг йўналишини, намоз вақтларини, Ойнинг кўринишидан рамазон ойининг бошланишини аниқлаш зарур диний тадбир бўлган. Бу тадбирларни билиш эса астрономияга мурожаат этишни тақозо әтган. Натижада, астрономия илми тез суръатлар билан ривожланиб, қатор алломалар ушбу фан билан қызықиб шуғулландилар, уларнинг қаламларига мансуб бўлган кўп рисолалар битилди. Назарий хуласаларни амалда текшириш мақсадида расадхоналар қурилиб, уларда маҳсус жиҳозлар воситасиде тажрибалар бошлаб юборилди.

Уша давр астрономиясининг ривожида Ўрта Осиё олимларининг хиссаси ниҳоятда салмоқли бўлди. Хусусан, марвлик Иахё бин Абу Мансур Бағдоднинг аш-Шаммасия маҳалласида қурилган биринчи астрономик расадхонага асос соглган бўлса, унинг ҳамкасиби Холид бин Абд ал-Малик ал-Марваруддий эса Дамашқ яқинидаги Қасйун тоғида бунёд этилган иккинчи расадхонани бошқарган⁸.

1998 йили Ўзбекистонда ЮНЕСКОнинг қарори билан 1200 йиллик тантаналари кенг нишонланган Аҳмад ал-Фарғоний Бағдод мактабидаги алломаларнинг энг машҳурларидан бири бўлган. У ўз асрлари билан астрономия, география ва математика фанларини ривожига муносаб улуш кўшди, астрономик жиҳозлар яратишида маълум қобилият соҳиби эканлигини кўрсата олди. Бундан ташқари у истеъодли гидро-қурилиш муҳандиси ҳам әди. Муаллифнинг 861 йили Нил дарёсини даги Равдо оролида нилометрни таъминлагани фикримизни тасдиқлайди. Ал-Фарғоний ўнга яқин асарлар муаллифи бўлиб, уларнинг батъинлари алломанинг зикр этилган юбилейи муносабати билан унинг ватани — Ўзбекистонда нашрдан чиқди.

Халифа ал-Маъмун даврида ва умуман ундан кейинги аббосий халифалар замонида Бағдодда катта аҳамият билан ўрганилган фанлар қаторига табобат ва фалсафани киритиш мумкин. Ушбу соҳаларда ҳам Ўрта Осиё олимлари етакчи мавқеларни эгаллаган.

Али бин Раббан ат-Табарий 808 йили Марвда таваллуд топиб, кейинчалик Бағдодда фаолият кўрсатган ўртаосиёлик табиблардан әди. У табобатга онд бир нечта асарлар ёзиб қолдирган бўлиб, улар ичида энг муҳими «Ҳикматлар bogи» («Фирдавс ал-ҳикма») деб аталади. Катта ҳажмдаги бу нодир ва қадимий асарда муаллиф ўз давридан аввалиг Юнон, Ўрта Осиё ва Ҳинд табибларининг эришган ютуқлари натижасида нисон саломатлигини сақлаш ва касалликларни даволаш билан боғлиқ бўлган кўп масалаларни баён этади⁹.

Абу Бакр ар-Розий Ҳурсон ва Ўрта Осиё фани ва маданияти анъаналарини Бағдодда намоён қиласан йирик қомусий олим әди. 865 йили Райда туғилган ар-Розий ёшлиқ йилларида адабиёт, мусиқа, кейинчалик эса фалсафа, математика, астрономия ва алкимёни ўқиб

⁸ Булгаков П. Г. Ўрта Осиё олимларининг Бағдоддаги фаолияти. 24-бет.

⁹ Каримов У. И. Очерки истории медицины в Средней Азии с древнейших времен до середины XIX в./Исследования по истории, истории науки и культуры народов Средней Азии. Ташкент. 1993. С. 33.

ўрганди. Ёши ўттизлар атрофидаги табобат билан шуғулланишни бошлигаган ар-Розий кейинчалик машҳур табибга айланиб, Рай ва Бағдоддаги шифохоналарни бошқарган¹⁰. «Ислом энциклопедиясига»да таъкидланишича, ар-Розий ўн еттинчи асрда табобатдаги энг катта обрў соҳибларидан бўлган. Урта аср манбаларининг биррида ар-Розийнинг буюк иқтидор соҳиби эканлигидан далолат берувчи бир лавҳа сакланган. Унга кўра, Бағдод ҳукмдори Адуд ад-Давла ар-Розийдан шаҳарнинг асосий шифохонасини қайси жойга қуриш мумкин деб сўраганида, олим Бағдоднинг ҳар қайси ноҳиясига бир бўлакдан гўшт осиб қўйишни ва гўшт кеч бузилган ерга шифохона қуришини маслаҳат беради¹¹. Ар-Розийнинг математика, фалсафа ва бошқа аниқ фанларни чуқур билган бухоролик Мұхаммад бин Юнус исмли севимли шогирди бўлган¹². Бу эса уни Урта Осиё, хусусан Бухоро донишмандлари билан узвий алоқада бўлганидан далолат беради. Ар-Розий ўзининг «Қатта тўплам» («ал-Ҳавий») асарида табобатнинг қатор мавзуларига бағишлиланган мұхим янгиликлар яратади. Баъзи мутахассисларнинг фикрига кўра, олим фанларнинг турли соҳаларига оид иккى юздан ортиқ илмий кашфиётларнинг муаллифи бўлиб, улардан ярмига яқини табобат, йигирма биттаси алкиме қолгандар эса фалсафа, физика, астрономия, оптика, математика ва бошқа фанлар билан боғлиқ бўлган.

Сирдарё қирғоғидаги Фороб (Утрор)да туғилиб, Урта Осиё илмий мактаби анъаналари таъсирида шаклланган яна бир қомусий олим Абу Наср ал-Форобий ҳам араб ҳалифалигининг марказий Бағдод, Дамашқ, Халаб шаҳарларида унумли ижод қилиган. Мутахассисларнинг фикрига кўра, ал-Форобий ўрта аср фаннинг турли соҳаларига оид 160 дан ортиқ асарлар ёзил қолдирди¹³. Уз илмий салоҳиятини асосан фалсафа, мантиқ, социологияга йўналтирган ал-Форобий математика, тиббиёт, мусиқа ва бошқа фанлар ривожида ҳам муносиб ўрин егаллади. Ал-Форобий фалсафий қарашларининг мұхим жиҳатларидан бири шундаки, у «аввалимбор Аристотель таълимотини тиклаш, асослаш ва илғор томонларини сўнгги илмий ютуқлар асосида ривожлантиришга ҳаракат қилиб, Шарқ аристотелизм оқимини вужудга келтирди. Бу оқимнинг услуби, мұхим масалалари, категорияларини ишлаб чиқди»¹⁴. Ал-Форобийнинг «Фозил шаҳар аҳолисининг маслаги» («Ара аҳл ал-мадина ал-ғадила») рисоласи социология, ва сиёсатшунослик фанларига қўшилган катта хисса бўлди. Рисолада элим «бирачини бўлиб жамиятнинг келиб чиқинши, мақсад ва вазифалари ҳақида изчил таълимот яратди. Бу таълимотда ижтимоий ҳаётнинг кўп масалалари — давлатни бошқариш, таълим, тарбия, ахлоқ, маърифат, диний эътиқод, уруш ва яраш, меҳнат ва бошқалар қамраб олинган»¹⁵. Ал-Форобий мусиқа соҳасида ҳам йирик мутахассис эди.

¹⁰ Уша мақола, 34-бет.

¹¹ Ҳикматуллаев Ҳ. Шарқ табобати. Тошкент. 1994. 22-бет.

¹² Каримов У. И. Уша жой.

¹³ Хайруллаев М. М. Абу Наср Форобий. Буюк сиймолар, алломалар. 1-кинуб. Тошкент. 1995. 33-бет.

¹⁴ Уша мақола, 36-бет.

¹⁵ Уша мақола. 38-бет.

У мусиқага оид назарий асарлар ёзиш билан бир қаторда ўзи ҳам моҳир созанда, бастикор ва баъзи мусиқа асбобларининг ихтироиси сифатида ҳам маълум бўлган. Алломанинг Аристотелдан кейинги «Иккинчи муаллим» деб донг таратиши, унинг илмий салоҳиятини бениҳоя юксак бўлганлигига далил бўла олади.

IX асрга келиб ислом дини билан бевосита боғлиқ бўлган фаҳ, гафсир, ҳадис, қалом каби соҳаларда ҳам жадал ривожланишлар рўй берди. Урта Осиё олимларининг ушбу мавзуларда қолдирган илмий мерослари ҳозирга қадар энг ишончли ва илмий манбалардан саналиб келинмоқда. Ҳадис илмининг сultonни деб тан олинган имом ал-Бухорий ҳам маълум муддат Бағдодда фаолият кўрсатгани маълум. Умуман Мовароунаҳр ханафий уламоларининг бағдодлик алломалар билан ўзаро тажриба алашиб турган илмий адабиётларда қайд этилади¹⁶.

Хоразмлик Маҳмуд аз-Замаҳшарий ўз даврининг тенги йўқ тил шунос олимларидан эди. Унинг араб тили ва адабиётига оид асарлари ўзининг чуқур таҳлиллари билан ҳамон мутахассисларни лол қолдириб келмоқда. Аз-Замаҳшарий бир неча йил Бағдодда яшаганига қарамасдан ўз ватани Хоразмда вафот этди.

Ушбу мақолада биз баъзи Урта Осиё олимларининг Бағдоддаги фаолиятiga қисқа тўхтаб ўтдик. Албатта биз келтирган маълумотлар Урта Осиё замини этиштириб берган мутафаккирлар меросининг фақатгина бир томчиси ҳисобланади. Уларнинг Бағдоддаги илмий фаолияти жуда кенг, серқирига ва срмаҳсул, алломаларнинг умумий сони эса бир неча баробар кўп бўлган. Шунга қарамасдан биз тавсифлаган қисқа ва дастлабки лавҳаларининг ўзи ҳам бу олимларининг ўрта аср фани тараққиётидаги ҳиссаси нақадар улуғ эканлигини, шубҳасиз тасдиқлади.

¹⁶ Мўминов А. Мовароунаҳр уламолари: ханафийлар//Шарқшунослик. 9-сон. Тошкент. 1999. 41-бет.

Ф. Ниёзова

ЎЗБЕКИСТОНДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ КОЛЛЕКТИВЛАШТИРИШНИНГ САЛБИЙ ОҚИБАТЛАРИ

Республикамиз мустақилликни қўлга киритиши туфайли эришилаётган ютуқларин чуқур идрок этиш ва қадрлаш зарурати шўролар даврида қишлоқ хўжалигига амалга оширилган иқтисодий ва мағкуравий сиёsat туфайли содир бўлган. Давр тақозоси билан ўзининг тўғри ифодасини топмаган, бўяб-безаб талқин қилинган тарих саҳифаларига объектив қарашни, салбий ҳолатларнинг оқибатларини яна бир бор қайтадан кўриб чиқишини, илмий жиҳатдан ҳар томонлама чуқур таҳлил этишини долзарб масала қилиб қўйди.

Ўзбекистон учун тарихий тараққиётининг олдинги марраларига чиқишида қишлоқ хўжалиги муҳим роль ўйнаши шак-шубҳасиз. «Бугун жамиятимиз шуни англаб олдики,— деб таъкидлади Ўзбекистон Рес-

публикаси Президенти И. А. Каримов,— ҳаётимизни яхшилаш, аҳоли турмуш даражасини кўтариш, иқтисаднётимизнинг самарадорлигини ошириш, халқимизни боқиш, истиқболимизни режалаш — хуллас, қандай мумаммо, қандай масалани кўрмайлик, уларнинг аксарияти биринчи навбатда қишлоқ хўжалигига бориб тақалади»¹.

Қишлоқ хўжалигининг улкан аҳамияти аграр соҳа тарихини кенг миқёсда тадқиқ этиш эҳтиёжини ошириди, чунки «...буғунги кунда қишлоқ хўжалигининг иқтисаднётимиздаги, ҳаётимиздаги ўрни шуни тақозо этмоқда»². Қишлоқ хўжалигини тубдан қайта қуриш билан борлиқ масалаларнинг ўзига хос мезонларини англаб етиш, тарихий тажриба сабоқларини ўрганиш, ўзбек қишлоғи ривожланиши жараёнларини, улардаги зиддиятларнинг намоён бўлишини тушуниб етиш муҳим аҳамиятга эга. Айниқса шўролар давлати деҳқон хўжаликларини ёппасига колективлаштириш борасида олиб борган сиёсати ва унинг оқибатида юз берган мудҳиш ҳолатлардан кўз юмиб бўлмайди.

Маълумки мустабид тузум мафкураси таъсири остида тарих фани амалда сохталикка тўлиб тошган эди. Унда ўтмишга оид кўплаб ҳаққоний саҳифалар чиқарниб ташланган, ошкор қилиш мумкин бўлмаган, тақиқланган мавзулар анча-мунча эди. Хусусан, 1932—1933 йиллардаги оммавий очарчилик ўта маҳфий ҳодисалар сирасига киритилди. Ҳатто бу ҳақда эслаш ҳам узоқ йиллар мобайнида тақиқлаб қўйилди. Ҳолбуки, ўша йилларда Сталин томонидан илгари сурилган «барча колхозчиларни «ўзига тўқ» деҳқонларга айлантириш» шиори ҳамма ёқда кенг кўламда тарғибу ташвиқ қилинди. Деҳқонларга қарши, «большевик»ларга хос бўлган «юқори идоралар» томонидан амалга эширилган жиной «аграр инқилоб» мўл-кўл «қайгу ҳосилини» йигиб олган бепоён мамлакатнинг миллионлаб боқувчиларни ҳалокатга олиб келган бўлса-да мафкуравий андишалар сиқуви остида жамият-шунослар бу факт хусусида гапириш ўрнига, яқдиллик билан гўёки оғизларига талқон солиб олган эдилар.

Колхоз тузумининг куч ишлатиш, зўрлик йўли билан амалга оширилиши—бу машъум очарчиликни келтириб чиқарган сабаблардан бири эди. Деҳқонлар манглайнига қурол тираб колхозларга аъзо қилинди-лар ҳисоб. Деҳқонларни шу тариқа колхозларга оммавий равишда мажбуран киритиш бошлианди. Мол-мulkни умумлаштиришга барча асосий меҳнат қуроллари, чорва моллари, паррандалар кирди. Бу эса ўз вақтида чорва моллари жон бошининг кескин камайишига (сўйиб юборилиши) ва меҳнат қуролларининг беркитилишига сабаб бўлди.

Иккинчи томондан, шошилинч тузилган колхозлар моддий жиҳатдан ўз хўжалик функцияларини бажаришга тайёр эмаслигини кўрсатди. Колхозлар тузилаётганда улар учун энг муҳим бўлган омборлар қуришда, миллионлаб умумлаштирилган чорва молларининг озуқа базасини яратишда моддий ёрдам кўрсатилмади. Табиийки, бу молларнинг озуқасиз қолишига ва натижада уларнинг қирилишига олиб келди.

¹ Каримов И. А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Тошкент: Ўзбекистон. 1996, 158-бет.

² Каримов И. А. Қишлоқ хўжалиги тараққиёти — тўкин ҳаёт манбай//Халқ сўзи. 1997 йил, 26 декабрь.

Фақатгина 1930 йилнинг ўзида Ўзбекистонда қора молларнинг 60 мингдан ортиқ жон бошига қисқаришига олиб келди. 1928—1932 йиллар мобайнида эса ҳаммаси бўлиб қўйлар сони 6001,2 мингдан 2199,6 мингга, отлар бўлса 550,2 мингдан 390,7 минг бошга камайди³.

Марказдан туриб бошқарилган ва моддий чегараларга эга бўлмаган колхоз қурилишининг бундай тажрибаси бутун шўро давлати қишлоқ хўжалигини издан чиқарди, «социалистик аграр ишлаб чиқариши»да тургун регрессив жараёнларнинг қарор топишига олиб келди. Натижада, 30-йилларнинг бошида қишлоқ хўжалик ялпи маҳсулотининг кескин камайиши кузатилди. Мисол учун, агар 1928 йилда Иттифоқ бўйича гўшт етишириш ҳаммаси бўлиб 4,9 млн. тоннани ташкил этган бўлса, 1932 йилга келиб бу кўрсаткич бор йўғи 2,8 млн.га етди. Шунга мувофиқ равишда сут 31,0 млн. тоннадан 20,6 млн. тоннага, тухум 10,8 млрд. донадан 4,4 млрд. донагача камайди⁴. Худди шундай аҳвол Узбекистонда ҳам кузатилди.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етказиб бериш иши деҳқонлар моддий аҳволига ҳалокатли таъсири ўтказди. Лекин маҳаллий раҳбарлар шўро ҳукумати томонидан ўзбошимчалик билан ўрнатилган нореал гопшириқларни қандай қилиб бўлмасин бажаришга ҳаракат қилиб, колхозлар ва якка хўжаликлардан маҳсулотларини «зўрлик билан» тортиб одардилар. Жўмладан, буғдой масаласида шундай эди.

Айниқса, 1930—1932 йилларда кўплаб колхозлarda етиширилган доннинг ҳаммаси, ҳатто уруғлик буғдой ҳам қолдирилмай олиб қўйилди. Гўшт тайёрлаш борасида ҳам худди шундай йўл тутилди. Бунда ҳам «режа топшириқлари» мавжуд имкониятлардан келиб чиқиб белгиланмади, балки шафқатсизлик билан тортиб олинди. Масалан, ҳужжатларда қайд қилинишича, Қашқадарё вилоятининг кўпгина туманларида 1932 йилда аҳоли бир тайёрлов мавсуми мобайнида қўйлар сони (умумлаштирилган қисмини ҳисобга олган ҳолда)нинг қарийб ярмини давлатга топшириши керак эди, бундан норози бўлган қишлоқ аҳли, ихтиёрий равишда қўй-қўйиларни давлатга топширишга қаршилик кўрсата бошладилар. Натижада қишлоқ шўроси ходимлари тегишли чора-тадбирлар ўйлаб топдилар, улар зўрлик йўлига ўтишиб, яъни чорва молларни «сотиб олиш» ниқоби остида тортиб ола бошладилар. Бу қўйидагича амалга оширилди: колхозчининг уйига 7—8 нафар фаоллар ташриф буюришар, хонадон соҳиби ва соҳибасининг қўйини боғлашар, шу пайтда қолган «харидор»лар қўлфларни бузиб, «сотиб олинган» уй ҳайвонларини тезлик билан чиқиб кетишар эди⁵.

Собиқ шўро давлатининг барча ҳудудларида амалга оширилган бундай хатти-ҳаракатлар, охир-оқибат, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ҳалокат ёқасига олиб келди. Бу ҳол аҳолининг озиқ-овқат гаъминотига ўз таъсирини ўтказмасдан қолмади. У кундан-кунга ёмонлаша бошлади. Уни минимал даражада ушлаб туриш учун карточка гизими жорий қилинди. Шу билан бир вақтда, қишлоқ меҳнаткашларига нисбатан маъмурий тазийк кучайтирилди. Уларнинг охирги на-

³ ЎзР МДА, 90-ф, 1-рўйхат, 3609-иш, 79-варқ.

⁴ Сельское хозяйство СССР. Ежегодник. 1935. М., 1936. С. 213, 217.

⁵ ЎзР ПДА, 17-ф, 2-рўйхат, 288-иш, 44—46-варақлар.

сибалари ҳам тортиб олина бошланди. Узбекистонда эса қатъий пахта якка ҳокимчилигининг ўрнатилиши билан ақвол янада оғирлашди. 1933 йилдаёт пахта республикада етиширилган ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг 81,5 фоизини ташкил этди⁶. Давлат режаси дараҷасига кўтарилигган озиқ-овқат разверсткаси (тақсимоти) қишлоқларнинг муқаррар равишда қашшоқлашувига олиб келди. Зеро, колхозчилар тинка-мадорни қуриладиган оғир меҳнат қилишларига қарамай, амалда ҳеч қандай ҳақ олмас эдилар. Уларга фақат афсонавий меҳнат кунлари ёзилар эди. Бундай шароитда қишлоқ меҳнаткашлари фақаттина ўз томорқасига суюниши мумкин эди. Лекин кўпдан-кўп тўсқинлик қиуловчи омиллар, яъни масалан, томорқадаги ҳар бир дарахт, қорамол, парранда учун ақлга сиғмайдига солиқларнинг тўланини, яйлов майдонларининг қатъий чегаралаб қўйинлиши дехқонларнинг ижтимоий-иқтисодий аҳволини янада оғирлаштири. Бундан ташқари 1935 йилларгача шахсий томорқа дехқонлар яккахўжалик манфаатларини кўзда тутиви моддий асос деб қаралиб, уларга томорқа ажратиш қўллаб-қувватланмас эди. Буларнинг ҳаммаси, табиийки, дехқонлар турмуш даражасини пасайиб кетишига олиб келган омиллардан бири бўлди. Уша даврда юқори ташкилотларга ёзилган дехқонларнинг сон-саноқсиз ташвиш тўла хатлари улар турмушининг оғирлашиб кетганидан далолат беради. Масалан, улардан бири «Қизил дехқон» колхози дехқонлари «Дехқонлар фақат сув билан нонда ўтирганилиги, у ҳам бўлса (нон) етишмаётганлигидан» нолиб ёзишарди⁷.

Қишлоқларни қамраб олган очарчилик дехқонларни бўғиши сиёсатининг кульминацион нуқтаси бўлди. Очарчилик айниқса, дон етишириладиган туманлар — Украина, Шимолий Кавказ, Кўйи ва Ўрта Волга, жанубий Урал ва Қозогистонда оммавий тус олди, баъзи жойларда эса бутун-бутун қишлоқларнинг очликдан қирилиб кетиши каби ҳодисалар юз берди.

Бугунги кунда қурбонлар сонини аниқ айтиб бериш қийин. Роберт Дэвис, Роберт Конквест, Стивен Уиткрофт каби хорижий тарихчилар, Барбара Андерсон ва Брайон Сильвер сингари демографлар ишларидаги статистик маълумотларнинг гувоҳлик беришича, очлик вақтида қурбон бўлганлар сони 3—4 миллион кишини ташкил этади⁸. Фақаттина Қозогистонда 1932—33 йилларда очлик ва у билан боғлиқ бўлган касалликлардан ҳалок бўлганлар сони 1,7 млн. кишини ташкил қилди⁹. Айни вақтда, Узбекистонда очарчилик қурбонлари юқорида санаб ўтилган туманларга ишбатан анча кам бўлди, лекин у ҳам тахминий ҳисобларга кўра 350—400 минг кишининг ёстиғини қуритди¹⁰.

1930 йилларда Узбекистонда сунъий равишида келтириб чиқарилган оммавий очарчиликнинг характеристири ва ҳукмон доиранинг унга бўлган муносабатини Тошкентда хизмат қилган москвалик Лев Васильевнинг хориж матбуотида эълон қилинган хотираларида келтирилган маълум

⁶ РДИА (РГАЭ), 7446-ф, 1-рўйхат, 240-иши, 85-варак.

⁷ УзР ПДА, 17-ф, 2-рўйхат, 349-иши, 17—18-вараклар.

⁸ Урок даёт история. М., 1989. 178-варак.

⁹ ЛС. Алма-Ата. 1988, 19 октябрь.

¹⁰ РФДА (ГАРФ) 427-ф, 3-рўйхат, 341-иши, 17—28-вараклар.

мотлар асосида кўриб чиқиш мумкин: «Менинг хизматдаги мартабам кўтарилини ва Молия Халқ Кўмитасининг бўлим бошлиғи сифатида Тошкентга келдим... Кўчаларда оч оналар болалари билан санқишиди ва илтижоли нигоҳ билан садақа учун қўл чўзишиди. Соңсаноқсиз жасадларни худди ўтини каби юқ машиналарига ортишиди ва умумий хандақларда кўмиш учун қайсиидир тепаларга олиб кетишиди. Очликдан ўлиб улгурмаган итлар бу ҳандақларни очиб, қўлга киритилган ўлжа устида талашадилар. Бундай даҳшатли юқ машиналари — ўлим араваларини (катафалки) мен кўп марта кўрдим»¹¹.

Шуни таъкидлаш жоизки, агарда мустабид шўролар ҳукумати ўз вақтида оч қолаётган туманларга моддий ёрдам кўрсатганда, 30-йиллардаги укубатли очарчилик оқибатлари бу қадар аянчли бўлмаган бўлар эди. Бу ҳол 1920—1921 йиллар шароитида бўлганини каби, ҳеч бўлмаса чекланган миқёсда амалга оширилганида эди, ахвол бутунлай ўзгача тус олган бўлар эди. Афуски, Сталин бошлиқ маъмуринят оммавий очликни кўриб кўрмаганга олди. Бугина эмас у хорижий мамлакатлар томонидан таклиф қилинган озиқ-овқат ёрдамини рад этди. Аксинча расмий мафкура томонидан ҳамма ерда «ҳаёт яхшиланди, ҳаёт қувончли бўлиб қолди» деган фикр қайта-қайта таъкидланадиган бўлди. Қишлоқларда эса ёрдам ўрнига қандай воситалар билан бўлмасин тирик қолишига уринган қишлоқ ахолисига нисбатан жазо чоралари кучайтирилди. Оч, соңсаноқсиз тақиқлардан толиққан, ҳамма томондан маъмурин тузоқлар қуршаб олган халқ колхоз далаларидан дон, картошка, ўт ва бошқаларни ўғирлашга мажбур эди. Мисол учун, 1932 йилнинг ёзида ҳали ҳосил пишиб етилмаган, кўпчилик дончилик туманларида «сартарош»лар пайдо бўлди. Улар оч болалар, аёллардан иборат бўлиб, онлада пишадиган бўтқа учун қайчи билан бошоқларни қириқиб олишарди (колхоз далаларида бу нарса одатда тунда ва яшини амалга ошириларди). Урим мавсуми бошланиб, донни тўлалигича гайёрлов идораларига ташиб кетиш бошланганда, донни чўнгтаклар ва қўйнига солиб келишарди. Ва ниҳоят почор қишлоқ ахолисининг бундай хатти-ҳаракатига жавобан 1932 йилнинг 7 августида Сталиннинг ўз қўли билан имзоланган социалистик мулкни кўриқлаш тўғрисидаги қарори қабул қилинди. У колхоз ва кооператив мулкни ўғирлаганлик учун жиноий жазо чораси сифатида олий ижтимоий ҳимоя воситаси — бор мол-мулкни мусодара қилган ҳолда отиб ташлаш ҳамда «жиноятни енгиллашириш» мумкин бўлган тақдирда уни бор мол-мулкни мусодара қилган ҳолда камида 10 йил озодликдан маҳрум этиш билан алмаштиришни жорий этди¹². Бундай ҳолларда авф этиш тақиқланган эди. Аслида қонунсизликка йўл очган бу қонуннинг моҳиятини замондошлилар яхши тушунар эдилар. Мазкур қонун дехқонларни янада қашшоқ ахволга солиб қўйди. Очликдан озиб-тўзиб кетган қишлоқ ахолисининг арзимаган даражада бўлса-да қўллаб-қувватлаб турган энг сўнгги умидини ҳам узиб ташлади. Оқибатда очлар сони фожиали да-

¹¹ Пути советского имперализма, Нью-Йорк, Изд-во им. А. П. Чехова, 1954. С. 33.

¹² РЭЯТХУ ва СРМ (РЦХИДНИ) 17-ф, 21-рўйхат, 678-иши, 150—151-вараглар.

ражага етди, кўпдан-кўп одамхўрлик ва жасадхўрлик ҳодисалари кузатилди.

Бошқа томондан эса ҳалқ тилица «беш бошоқли қонун» деб аталган 1932 йил 7 августдаги қонун кўп сонли қишлоқ аҳолисининг машъум «Гулаг архипелаги» каби ерларга сурғун қилинишига сабаб бўлди. Биргина 1933 йилнинг бошида ёт тугаб ултурмаган беш ой мобайнида Ўзбекистонда минглаб деҳқонлар маъмурӣ жавобгарликка тортилди¹³.

Ўзбек қишлоғининг табиий равишда ривожланишини тўхтатиб қўйған, деҳқонларнинг боқим бўлиб қолишига, уларда жамоат ишлаб чиқаришида фаол иштирок этишдан манфаатдорликнинг бўгиб қўйилишига, бозор муносабатларининг емирилишига олиб келган колективлаштирилган аграр ишлаб чиқаришнинг жорий қилиниши шу таріқа қишлоқ хўжалигининг бутунлай издан чиқишига, унинг ҳалокатли қашшоқлашувига олиб келди.

Республикамизнинг мустақилликни қўлга киритиши амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар, бозор муносабатларининг тўғри йўлга қўйилганлиги, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг тикланиши, самарадорликнинг ошаётганлиги бутуги кунда қишлоқ хўжалиги соҳасида ўтказилаётган сиёсатининг нечоғлик тўғри юргизилаётганидан далолат беради ва ўтмишда йўл қўйилган салбий оқибатларни юзага келтирган хато ва камчиликлардан сабоқ олган ҳолда тўғри хуласа чиқариш учун имконият яратади.

¹³ РЭЯТХУ ва СРМ (РЦХИДНИ). 62-Ф, 1-рўйхат, 417-иши, 49—50-вараглар.

А. Мингоров

1917—1918 ЙИЛ СИЁСИЙ ЖАРАЕНЛАРИНИНГ ТУРКИСТОН МАТБУОТИДА ЕРИТИЛИШИ

Ўзбекистон тарихида муҳим босқич бўлган 1917—1918 йиллар воқеалари, яъни Туркистонда мустабид совет ҳокимиятининг ўрнатилиши 70 йилдан ортиқ ҳукмронлик қилиб келган собиқ совет даврида бир томонлама, ноҳолисона, қизил бўёқларда ёритилди ва соҳталаштирилди. Мустабид тузум даврида тарих фанида олиб бориладиган тадқиқотлар, жумладан, мустақиллик учун кураш воқеаларини ёритиш масаласи бутунлай ҳукмрон мафкура назорати ва тазиини остида элиб борилди. Натижада маҳаллий тарихчиларимиз бир неча йиллар давомида реал тарихни ёритиш имкониятидан маҳрум этилган эди. Бу эса ҳалқимизнинг ўз тарихини ўрганишидан ва маънавиятидан узоқлашувига олиб келди.

Республикамиз ўз мустақилликини қўлга киритгач, мамлакатимизда барча соҳаларида ислоҳотларини амалга ошириш имкониятига эга бўлинди. Хусусан, тарих фани соҳасида ҳам катта ўзгаришлар, илмий, услубий, назарий янгиланиш бошланди.

Президент И. А. Каримов «Миллатни асрар керак, миллатни асрар учун эса унинг ҳақиқий тарихини ўрганиш, авайлаб ҳимоялаш керак»¹,— деб таъкидлаб, асосий эътиборни тарихий манбаларни ўрганишга қаратганлари бежиз эмас. Дарҳақиқат, ўтмиш тарихимизни қайси даври бўлишидан қатъий назар ўша давр манбаларини ўрганмасдан туриб биз ҳеч вақт тўлақонли ва холисона тарихини яратиб беролмаймиз. Манбаларни чуқур ўрганиш ва таҳлил этиш орқали ҳаққоний илмий холосалар бериш мумкин.

1917—1918 йиллардаги воқеа ҳодисаларни ўрганишда турли хил манбалар мавжуддир. Булар хотира ва эсадликлар, архив ҳужжатлар ва ўша йиллардаги миллий матбуот органлари ҳисобланади.

Шу ўринда 1917—1918 йиллардаги сиёсий жараёнлар, ҳалқимизнинг ўз мустақиллиги учун олиб борган курашларини ўрганишда архив ҳужжатлари ва миллий матбуот органлари саҳифаларидағи маълумотларнинг қайси бири бирламчи маиба бўла олишини кўриб чиқамиз.

Узбекистон Республикаси Марказий Давлат архивида 1917—1918 йилларга оид бўлган 1044-рақам остидаги фонд мавжуд. Лекин бу ҳужжатлар ичida туркистонликларнинг мустақиллик учун олиб борган курашини ўрганишда, маҳаллий аҳолининг фаолиятларини акс эттирувчи манбаларни топниш қийин. Яъни архив ҳужжатларида Туркистонда миллий сиёсий жамиятларнинг юзага келиш жараёни ва тузилиши, бу миллий жамиятларнинг ўзаро муносабатлари, миллий тараққийпарвар зиёлиларнинг юрт озодлиги йўлидаги курашлари, жадидларнинг мустақилликка даъват қилингандаги амалий фаолиятлари за уларнинг маъруза ва мақолалари, хуллас, Туркистондаги миллий давлатчилик учун олиб борган кураши ўз аксини топмаган. Чунки архив, асосан мустабид тузум мафкурасига хизмат қилса, иккинчидан бу ердаги ҳужжатлар ҳукмонро давлат назорати остида бўлиб, маҳаллий аҳоли манфаатларига хизмат қиладиган ҳужжатлар элакдан ўтказиларди. Шу туфайли ҳам юқорида таъкидлаб ўтилганидек, миллий матбуот саҳифаларидағи жуда кўп ва қимматли маълумотлар архив ҳужжатларида учрамайди. Бу эса миллий матбуотнинг муҳим маиба ғифатида нечоғлик катта аҳамиятга эгалигини яна бир бор кўрсатиб беради.

1917—1918 йиллардаги Туркистонда нашр қилинган «Нажот», «Кенгаш», «Турон», «Улуғ Туркистон», «Хуррият», «Эл байроби», «Турк эли», «Турк сўзи», «Чаён», «Юрг», «Ишчилар дунёси» шунингдек, бошқа газета ва журналлар саҳифаларидағи маълумотлар ана шундай манба бўлиб хизмат қиласи. Бу даврдаги миллий матбуот саҳифаларидағи маълумотларни уч гуруҳга ажратиб ўрганиш мумкин.

Биринчи гуруҳ турли хил янгиликлар, хабарномалар ва қисқа қисқа маълумотлардан иборат бўлса, иккинчи гуруҳга жадидлар, умуман барча миллий тараққийпарвар зиёлиларнинг сиёсий, иқтисодий, маънавий ва мътирифий жараёнларга билдирган ҳолда ёзган мақо-

¹ Каримов И. А. Ўз қелажагимизни ўз қўлимиз билан қурмоқдамиз/Туркистон. 1989 йил 2 февраль.

палари киради, ниҳоят учинчи турұхға эса миллій-сіёсий жамиятлар томонидан қабул қилинган қаорлар, яғни расмий маълумотлар киради. Ушбу уч гурухға ажратылған материалларни ўзаро қиёсін таҳлил қылыш билан шу даврдаги сіёсий жараёнларга холис баҳо бериш ва тулақонлы олмай хуносани чиқариш имконияти туғилади. Шу ўринда Гуркистон мухторияттнинг фаолияти, унннг аянычи тақдирі ҳақида ва большевикларнинг Туркестонда олиб берган шовинистик сіёсати тұғрисида миллій матбуттада берилған маълумотлар алоқида зерттеуде болып келеді.

1917 йыл 27—30 наурыз күнлари бұлғындың үтгандеги Туркестон мусулмонларының фавқулодда IV құрултойда маҳаллій ахолиларнинг хоҳишиларига биноан, Туркестон мухторияттың зерттеуден қарастырылған әди. Миллій матбуттада берген маълумотлардың қараганда, мухторият ҳокимияттің мусулмонлардан ташқары яна Туркестонда яшөвчі (фақат большевиклардан ташқары — M. A.) барча европалик сіёсий жамиятлар да миллат вакыллары ҳам құллаб-құвватлаган әдилар. Большевиклар Туркестон мухторият ҳокимияттің тан олишини истамай, зимдан әлиб берган сіёсати заминидан қандай бұлмасын Туркестон мухторияттің ағдарынан ташлаша ҳаракаттада бошлаб жүбердилар.

Натижада 1918 йыл 18—25 наурыз күнлари Тошкент шаҳрида бұлған большевикларнинг съезді Туркестон мухторияттің тугатиши режаси ишлаб чиқылды. Съездде Туркестон мусулмонлары томонидан сайланған құкумат атзорларын дархол тутиб қыбесе олиш керак, деган фикрга келинди. Бу билан большевиклар туркестонлайларға қарши очып уруш бошлашып қарор қылады².

Большевиклар «ер құмита»ларини тушиб Туркестон ахолисига тегишли ерни ерсиз рус крестьянларынан зёрлик билан олиб бера бошладилар. Бунга қаршилик билдириганның миллій жамият идораларнинг қаммасынның фаолияттың тұхтатында, уларнинг ўрннеге рус солдат, ишчи ва крестьянлардан тузылған янты жамиятлар ташкил этила бошлады³.

Миллій матбуттада большевикларнинг үлкадаги талон-тарож сіёсати ҳақида ҳам мұхым маълумотлар бор. Масалан, «Улуг Туркестон» газетасыннан хабар беришича: «Солдат ва рабочийлар бир неча марта қуоролланиб әски шаҳарға тушиб озиқ-овқат шағар топиш учун тиңтүв үтказдилар. Янги шаҳар (руслар яшайдын қысмы — M. A.) да ўзларнинг озиқ-овқатлары тугашы билан әски шаҳар (маҳаллій ахоли яшайдын қысмы — M. A.) ни талашта киришадилар. Мусулмонлар бу адолатсизлікке кескін норозилик билдирадилар»⁴.

Матбуттада қайд этилишича, 1918 йыл 13 наурыз күни комиссарнинг (исем-шарифи қайд этилмаган) фармонаға күра бир гурух қызил аскарлар Кўқонга келдилар. Сүнгра Үрдани ишфол қылдилар. Иккінчи күни эса барча миллій банкларни ўз тасарруфига үтказдилар. 14 наурыз күни бир неча миллион сүмни олиб гойиб бўладилар. Туркестон

² Сіёсий ахвол//Улуг Туркестон. 1918 йыл 28 наурыз.

³ Маҳкамаларнинг ўзгариши; Сіёсий ахвол//Улуг Туркестон 1917 йыл 20 декабрь.

⁴ Эски шаҳарда тиңтүв//Улуг Туркестон 1918 йыл 4 наурыз.

халқи ўзининг ҳалол меҳнати эвазига тўпланган бу маблағни олиб кетилганинг порозилик билдириди. Банклардан олинган ўша маблағлар Тошкентга келтирилганлиги ва бундан фойдаланиш хуқуқи фақат комиссарлар совети ихтиёрида бўлиши кераклиги айтилган. Бу ишларни бажариш вазифаси комисsar Полтаратскийга топширилади. Матбуотда курсатилишича, ўша куни Кўқон банкидан 8 миллион 223 минг 17 тийин олинган⁵.

Миллий матбуот саҳифаларидан яна ушбу маълумотларни олиш мумкин:

«Тошкентдан Кўқон шаҳрига большевиклар кунаро бориб қуроли қизил гвардия орқали давлат ёки хусусий банкларни ва маҳаллий халқни талаган, аҳоли Туркистон мухторияти ҳукуматига Кўқон шаҳрига бостириб кирган золимларнинг адолатсизликларидан арз қилиб борган⁶. Лекин эндигина тузилган Туркистон мухторияти ғалаёнга келган халқни тинчликка ундан, одам қони тўкилишига йўл қўймаслик учун, аҳолини орқага қайташига мажбур бўлган. Чунки бу ҳукумат большевикларга қарши кураш учун ўз армиясига эга бўлиб ултурмаган эди.

Туркистонликларнинг бор-будини большевиклар талай бошладилар. Халқ эса оч-яланғоч ҳолатига тушиб қолади. Шароит шу даражага бориб етдики, мусулмонлар оммавий қирилиб кетиш даражасига етади. Туркистон мухторияти ҳукумати раҳбарияти, умуман барча тараққийпарвар зиёлилар «Очларга ёрдам» қўмитасини тузиб, халқни қирилиб кетишини олдини олишга ҳаракат қилдилар. Бу қўмита аъзолари ҳар бир даҳанинг марказий қисмида кўплаб қозонларда овқат тайёрлаб оч аҳолига овқатларни текин тарқата бошладилар.

Большевиклар шундай шавқатсизлик, таланчилик, босқинчилик қилаётган бир шароитда барча тараққийпарвар миллий зиёлилар, жадидлар, миллатпарвар бойлар, уламолар халқни очлийдан қирилишдан сақлашга уринганлар. «Хуррият» ва «Улуғ Туркистон» газеталарида «Овқат масаласи», «Очлик балоси», «Даҳшатли очлик балоси», «Очдан ўлганлар», «Очларга ёрдам этайлик», «Очлар фойдасига театр», «Жамияти хайрия» каби мақолаларда қайд этилган маълумотлар бу ҳақда аниқ тасаввур беради.

Большевиклар Туркистонда ўзлари хоҳлаганича сиёsat олиб бордилар. Вазият шу даражага бориб етдики, бойлик талашиш оқибатида, ҳатто европаликларнинг ўзлари ўртасида ўзаро келишмовчиликлар келиб чиқа бошлади.

1918 йил 8 март куни Ўрта Осиё темир йўл хизматчилари билан касаба союз аъзолари катта митинг қилиб, комиссарлар советидан ўз саволларига жавоб беришларини талаб қилдилар. Шундан айримларини келтириб ўтамиш:

«...німа сабабга биноан Першин ва бошқа комиссарларга йилига 12 минг сўм даромад тайинланди, німа учун комиссарлар газеталарни зўрлик билан ёпишимоқда, нега матбуотга ҳақиқий воқеаларни ёри-

⁵ Банклардан аҷча олов ҳақида//Улуғ Туркистон. 1918 йил 21 январь.

⁶ Мувакқат Туркистон ҳукуматининг ишлари//Улуғ Туркистон 1918 йил 31 январь.

тишга рухсат берилмаяпти?...». Матбуотда ёзилишича, бу митингда, Бухородаги давлат банки шўъбасидан олинган 40 миллион сўм пул билан 175 пуд кумуш ва 37 қадоқ олтин қаерга қўйилганлигини ҳам сўрайдилар. Бироқ комиссарлар совети бу саволларга жавоб бермай митингни зўрлик билан тарқатиб юборишади⁷.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, миллий матбуот саҳифаларида ги мана шундай қимматли маълумотлар архив ҳужжатларида мутлақо учрамайди. Чунки бу ҳужжатлар совет ҳокимияти вакиллари томонидан яратилган бўлиб улар ўз қабиҳликларини ҳужжатлаштиришин истамаганлар. Бундай мисолларни жуда кўплаб келтириш мумкин. Бу билан архив ҳужжатларидан воз кечиш керак деган фикрдан йироқ бўлган ҳолда Туркистондаги 1917—1918 йиллардаги миллий озодлик ҳаракатини ўрганишда ўша давр миллий матбуот орғанларидаги маълумотларни бирламчи манба сифатида алоҳида эътиборга лойиклигини таъкидламоқда холос.

Давлатимиз раҳбари И. А. Каримовнинг: «Мустамлакачи ўзига қарам бўлган ҳалқ ҳақида қачон холис, адолатли фикр айтган. Улар бор куч ғайратларини Туркистоннинг ўтмишини камситишга, бизни тарихимиздан жудо қилишга сарфлаганлар»⁸, — деган фикрлари бу ўринда нақадар ўринли эканлиги шубҳасиз.

Мустабид совет тузуми даврида бу ҳокимиятнинг зўравонлиги, та-лончилигини фош этувчи манбаларни юзага чиқаришга йўл қўймади, ҳалқимизнинг 1917—1918 йилларда ўз мустақиллиги учун олиб борган курашларини очиб берадиган маълумотлар ҳам яширилди.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, мустабид совет тузуми давридаги тарих нохолисона яратилди. Ўтмиш тарихни ҳозирги мустақил давлат шароитида қайтадан илмий асосда ёритиб беришни та-лаб этмоқда. Бу эса ҳозирги кундаги тарихчилар олдидаги турган энг асосий вазифалардан биридир.

⁷ Большевиклар ҳаракатида бухрон//Улуг Туркистон 1918 йил 12 март.

⁸ Каримов И. А. Тарихий хотириасиз келажак йўқ//Мулоқот. 1998. 5-сон. 5-бет.

Ўзбекистон тарихи: муаммолар ва янгича қарашлар

A. Тоғаева

ТОШКЕНТ—ОРЕНБУРГ ТЕМИР ЙУЛИ ВА РОССИЯ МУСТАМЛАКАЧИЛИК СИЁСАТИ

Халқимиз ўз миллий мустақиллигини қўлга киритиши муносабати билан тарих фани ва тарихчилар зиммасига жуда катта маъсулнинг юкланди. Бу вазифа жамиятимизда ҳукмрон бўлган ғоялар таъсирида ўзининг ҳаққоний баҳосини ололмаган тарихий воқеиликларни холис ёритишдан иборатdir, Узбекистоннинг чор Россияси ва кейинчалик совет империяси таркибидаги мустамлака даври ана шундай нотуғри, бўй-бежак кўрсатилган саҳифалардандир.

Ваҳолонки, мустамлакачиликнинг асл мақсади ва моҳиятини чуқур англамасдан туриб, унинг ватанимиз иқтисодиёти ва маънавиятига етказган зарарли таъсирини бартараф этиш мумкин эмас. Туркистондаги илк темир йўллар қурилиши тарихига тўхталишимиз ҳам худди ана шу мақсадга хизмат қиласди.

Тарихдан маълумки, мустамлакачилик ҳамиша, ҳамма минтақада ва ҳамма даврларда босиб олинган халқ учун оғир салбий оқибатларни келтириб чиқарган. Президентимиз И. А. Каримов таъкидлаганилариdek, мустамлакачи давлатларининг «...иқтисодиёти босиб олинган ҳудудларни эксплуатация қиласди ва ҳатто уларнинг ҳаётий манбалари ҳисобига яшар эди. Айни чоғда, бўйсундирилган халқларга уларнинг маданий жиҳатдан ва умуман миллий жиҳатдан норасолиги ҳақидаги ҳалокатли ғоя сингдирилгар эди»¹.

Бизнинг ўлкамиз ҳам ана шундай оғир қисматдан қутулолмади. Узоқ йиллар давомида халқимиз мустамлакачилик азобларни бошидан кечирди. Миллий бойликларимиз таланди, кўп асрлик урф-одат ва анъаналаримиз поймол қилинди.

Рус ҳукумати ва буржуазиясининг ташаббуси ҳамда саъй-ҳаракати билан қурилган Россия — Ўрта Осиё темир йўллари Туркистонда мустамлакачилик сиёсатини амалга ошириш борасида жуда катта аҳамият касб этдики, қуйида шу масалага чуқурроқ тўхталмоқчимиз. Тўғри, темир йўллар қурилиши тарихи ва унинг аҳамиятига оид асарлар оз эмас. Масалан, А. В. Аксенов², З. Қ. Аҳмаджонова³, В. А. Су-

¹ Каримов И. Узбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Тошкент: Узбекистон, 1997. 53-бет.

² Аксенов А. Строительство Оренбургско-Ташкентской железной дороги (1901—1905 гг.)//Ученые записки Оренбургского государственного педагогического института им. В. П. Чкалова. Сер. историко-философская. Вып. 13. Оренбург, 1958.

³ Аҳмаджонова З. К истории строительства железных дорог в Средней Азии. (1880—1917 гг.). Ташкент. 1965.

воров⁴, Р. З. Шмидт⁵, И. Фофуржонова⁶ кабиларнинг асарлари шулар жумласидандир. Улар ўзларининг бу асарларида темир йўллар қурилиши тарихи, жараёни ва оқибатлари ҳақида батафсил баён қилишган. Аммо, уларда совет мағкураси таъсирида темир йўлларнинг аҳамияти бўрттириб кўрсатилади, аксина, Урта Осиёning Россия мустамлакасига айлантиришида тутган ўрни эса хаспўшланиб, яширилади. Мақолада масаланинг шу томонлама ёритишни мақсад қилиб қўйдик. Бу ишда архив маълумотлари жуда катта ёрдам берди.

Маълумки, Урта Осиё ва Россия ўртасидаги савдо иқтисодий алоқалари мустамлакачиликдан олдин ҳам мавжуд бўлиб, улар асосан, от, тута карвонлари орқали амалга оширилган. Ўлка истило қилинганидан кейин эса бу йўл билан алоқа қилиш чор Россияси эҳтиёжлари учун етарли бўлмай қолди. Бу пайтга келиб жаҳоннинг ривожланган давлатларида темир йўллар қурилиши кенг авж олган бўлиб, Россия ҳам бу жиҳатдан четда қолмаганди. Айниқса, мустамлака давлат билан империя ўртасидаги темир йўл жуда катта фойда келтириши табиий эди. Миллий бойликлари беҳисоб, табиий шароити foятда қулай, арzon ишлаб чиқариш кучларига эга бўлган Туркистон ўлкасини фақат темир йўл воситасидагина ўзининг ҳақиқий мустамлакасига айлантириши мумкинлигини рус ҳукумати жуда яхши англарди. Биринчидан, темир йўл Туркистонда Россиянинг ҳарбий стратегик ва сиёсий мавқеини мустаҳкамлаши лозим эди. Иккинчидан, ўлкани иқтисодий жиҳатдан батамом ўз манфаатларига бўйсундириш — уни Россиянинг ҳомашё базаси ва тайёр маҳсулотлар бозорига айлантириш учун хизмат қилиши зарур эди. Ҳатто Урта Осиёга темир йўлининг илк лойиҳаси 1856 йилдаётк Алоқа йўллари Вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган эди⁷. Далиллар шуни кўрсатадики, темир йўлларнинг ҳам Урта Осиёдан пахта ташиб кетиш йил сайин кучайтган эди. Буни қўйидаги жадвалдан кўриш мумкин⁸.

Йиллар

	Пахта ҳажми, пуд
1862	341000
1864	464000
1867	548000

1867 йилда Туркистон генерал-губернаторлиги ташкил қилинганидан кейин бу масалан атрофида қизгии баҳс-мунозаралар авж олиб кетди. Тадқиқот ишларини олиб бориш учун турли хил экспедициялар уюштирилди, ўнлаб лойиҳалар ва такліфлар ишлаб чиқилди. Бу ишда

⁴ Суворов В. Социально-экономическое развитие Туркестанского края в конце XIX—начале XX в. в связи со строительством железных дорог. Автореф. дисс. канд. ист. наук. Ташкент, 1963.

⁵ Шмидт Р. Среднеазиатская железная дорога и ее влияние на социально-экономическую жизнь Туркестанского края 1880—1914 гг. 1965.

⁶ Гафуржонова И. Из истории строительства Ферганской железной дороги (1900—1917 гг.). Ташкент, 1961.

⁷ Аксенов А. Строительство Оренбургско-Ташкентской железной дороги (1901—1905 гг.)//Ученые записки Оренбургского государственного педагогического института им. В. П. Чкалова. Сер. историко-философская. Вып. 13. Оренбург, 1958.

⁸ Яковлев А. Экономические кризисы в России. М., 1955. С. 68.

нафақат рус ҳукумати, балки катта фойда иштиёқидаги йирик сармоядорлар ҳам жонбозлик кўрсатдилар.

1873 йил 11 январда Туркистоннинг биринчи генерал-губернатори Кауфман Урта Осиёни яхши биладиган генерал-майор Безносиковга Россиядан Урта Осиёга борадиган йўлларни текшириб чиқишини топширди. Безносиков топшириқни бажариб, Оренбург—Тошкент—Самарқанд линиясини маъқул деб топди. Шу ўринда шуни айтиб ўтиш лозимки, турлича лойиҳаларда турлича йўналишлар маъқулланган. Масалан баъзи лойиҳаларда Каспий ва Орол орқали Урта Осиё ичкарисига кириб бориши фикри илгари сурисла, бошқаларида Россиянинг Урта Осиё орқали Ҳиндистон, Эрон, Афғонистон, Хитой билан боғлаш зарурияти таъқидланади, кўпчилиги эса Тошкент—Оренбург линиясини маъқуллайди⁹. Таклиф қилинган лойиҳалардан бир қисми чет эллик-ларга ҳам тегишли бўлганлигини айтиб ўтиш зарур.

Генерал-майор Безносиков тадқиқотларига асосланган ва Урта Осиё шароитидан вokiф бўлган Кауфман 1875 йил март ойида Алоқа йўллари Вазири К. Посьетга ёзган мактубида Оренбург—Тошкент ёки Екатеринбург—Тошкент йўналишидаги темир йўли қуриш зарурлигини билдиради. У қимматбаҳо пахтаси ва ишаги, иктисодий шарт-шароитлари ва миллий бойликлари мўл бўлган бу ўлкага темир йўл ўtkазиш фойдадан ҳоли эмаслигини таъкидлаш билан бирга, бу йўлнинг сиёсий ва ҳарбий стратегик аҳамиятини ҳам кўрсатади. Жумладан, рус-инглиз рақобатининг кучайиб бораётганини қайд этиб, Россиянинг Урта Осиёда вақтинча тинч эканлигини, балки 10 йилдан кейин бу ерга бўлгадан ташки ҳужумлардан сақланиш учун бутун бошли армия лозим бўлиши мумкинлигини билдиради¹⁰.

80-йилларнинг бошларида Туркистонга темир йўли қуриш рус ҳукумати олдидаги биринчи навбатдаги вазифа бўлиб қолади ва 1880 йил 25 ноябрда Красноводскдан Самарқандгача Закаспий темир йўли қурилишига қарор қилинади. Кўпдан маъқулланган Оренбург—Тошкент линияси ўрнига мазкур йўлни қуришини ўша давр вазияти тақозо этарди. Бу пайтга келиб, инглиз-рус рақобати оқибатида Россия олдиди Афғонистон билан чегарасини мустаҳкамлаб олиш зарурияти туғилганди. Шунингдек, Туркманистонни босиб олиш ишига бу йўл ёрдам беради.

Закаспий темир йўли 1881—1888 йилларда ҳарбий вазирлик томонидан қуриб, ишга туширилди. 90-йилларнинг иккичи ярмида Марвлан—Күшгача ва Самарқанд—Андижон линиялари Тошкент шохобчаси билан қуриб, фойдаланишга топширилди.

1899 йилда Закаспий ҳарбий темир йўли Самарқанд—Андижон линиялари билан бирлаштирилди ва Урта Осиё темир йўли номини олди.

Урта Осиёга темир йўл ўtkазилиши Россия империяси ва мустамлака Туркистон тарихида янги даврни очиб берди, десак янглишмаймиз. Темир йўл мустамлакачи давлатга Урта Осиё бойликларидан фойдаланиш учун жуда катта имконият яратиб берди. Қуйидаги фактлар бу-

⁹ Аҳмаджонова З. К. К истории строительства железных дорог в Средней Азии (1880—1917 гг.). Ташкент, 1965.

¹⁰ УзР МДА И. 1-ф, 16-рўйхат, 562-иши, 171—172-варақлар.

нинг яққол далилидир. Биргина Фарғона вилояти мисолида қўйидаги фактларни кўриш мумкин¹¹:

Йиллар	Олиб кетилган жами маҳсулот ҳажми, пуд	Нархи	Пахта ҳажчи, пуд	Нархи
1894	3629697	2216511	3400696	20557960
1895	36 8838	25542395	3399371	24144360

Агар қўлимизда мавжуд бўлган 1867 йилги маълумот билан 1894 йилги маълумотни таққосласак, Ўрта Осиё темир йўлини Россия империяси учун бениҳоя катта аҳамиятга эга бўлганлигига ишонч ҳосил қиласиз. Ваҳдолонки, бу темир йўли нафақат иқтисодий, балки сиёсий ва ҳарбий стратегик мақсадларга ҳам чуқур хизмат қилган.

Узининг афзалликлариға қарамасдан, Ўрта Осиё темир йўли жуда кўп техник нуқсонлар ва иоқулайликларга эга эди. Линиянинг асосий камчилиги Россиянинг Европа қисмидаги темир йўллари билан боғланмаганилигига эди. Шунинг оқибатида у империянинг иқтисодий, сиёсий ва ҳарбий эҳтиёжларига тўлиқ жавоб берса олмасди. Россияни мустамлака ўлка билан тўғридан-тўғри боғлайдиган йўл Оренбург—Тошкент темир йўли эди.

1895 йилнинг 24 октябрида Оренбург шаҳар думасида журналист М. Л. Юдиннинг мактуби мухокама қилинди¹². Мактубда Россияни бевосита Ўрта Осиё билан боғлайдиган, империянинг ҳарбий ва иқтисодий эҳтиёжларига мос келадиган темир йўл зарурлиги ҳақида фикр юритилиб, жумладан шундай дейилади: «Ўттиз йилдирки, биз Туркистон ўлкасига ҳукмронлик қилиб келмоқдамиз, шунга қарамасдан бу ерда рус мустамлакачилиги фавқулодда секин ривожланмоқда. Бу ҳақда ўйлаб кўриш фурсати етди... Туркистоңда мустамлакачиликни тўғри йўлга қўйиш тезлик билан Оренбург—Тошкент ва Фарғона темир йўл курилишини талаб этади.

Туркистон ўлкаси Россия учун қиммат баҳо пахта етиштириши, курилажак бу йўл эса ўз ўрнида Оренбург ва Самара губерналаридан ўлкага арzon буғдой етказиб бериши лозим».

Муаллифнинг фикрича, бу йўл Волга ортида ғалла етиштириш саломогини ошириши, Россия бозорларидан «ортиқча рақобатчи»ни четлаштириши, Туркистон эса «айрик пахта ва ишакчилик плантацияларига» айлантирилиши керак.

Оренбург шаҳар думасида бир овоздан қабул қилинган ушбу мактуб империянинг асл мақсади акс этган ҳужжатdir. Бу хат Россиянинг ва Ўрта Осиёнинг кўпгини айрик шаҳарлариға тарқатилади ҳамда ҳамма жойда қўллаб-куvvatланади. Шу йили ва кейинги йилларда Оренбург—Тошкент темир йўли қуриш зарурияти ҳақидаги қизғин баҳслар авж олади. Ҳукумат органлариға бу тўғридаги хилма-хил хатлар, лойи-

¹¹ УзР МДА. И. 19-Ф, 1-рўйхат, 5298-иши, 4—12-варақлар.

¹² УзР МДА. И. 1-Ф, 11-рўйхат, 1308-иши, 1-варап.

ҳалар, тақлифлар ҳавола қилинади. Ҳукумат доираларида ҳам бу фикр маъқулланади, аммо, темир йўл қурнишга етарлича маблагнинг йўқлиги сабаб бўлаётган эди.

1899 йил 16 июнда рус ҳукуматининг маҳсус мажлиси бўлиб, унда Туркистонга янги темир йўл ўтказиш тўғрисидаги масала кўриб чиқлади. Аммо молия вазири ва ҳарбий вазир келиша олмаганлиги туфайли масала очиқ қолдирилади.

1900 йил 4 апрелида ҳам бу масалага бағишиланган йиғилиш бўлиб, унда «Урта Осиёга темир йўл магистрали ўтказишнинг энг маъқул йўналиши» муҳокама қилинди¹³. Бу мажлисда Оренбург—Тошкент ва Саратов—Чоржўй йўналишлари муҳокама қилинди. Ҳукумат вазирлари бу гал ҳам бир тўхтамга кела олмайдилар. Шундан сўнг Алоқа йўллари вазири Хилковга Тошкентдан Оренбургга сафар қилиб, бу йўналишининг афзаликлари ва нуқсонлари билан шахсан танишиб чинни вазифаси юкланди. Топшириқин бакариб Петербургга қайтган Хилков Оренбург—Тошкент йўналишини маъқуллаб, маъруза тайёрлайди. Маърузага подшо Николай II ўз қўли билан: «Умид қиласманки, биз ушбу муҳим иншоотни тезда ва асосли равнишда амалга оширишга эришамиз» деб ёзади¹⁴.

1901 йилнинг 21 апрелида Оренбург—Тошкент темир йўли қуришига узил-кесил қарор қилинади. Темир йўл қурилишини бошқариш учун тузилган маҳсус қўмита таҳминан 115 млн. сўм миқдордаги пул сарфланишини аниқлайди. Йўлни икки томонлама: шимолий участка — Оренбургдан Казалинскача ҳамда жанубий участка — Тошкентдан Казалинскача қура бошлаш мўлжалланади. Шимолий участкани 1905 йил 1 январгача, жанубий участкани 1906 йил 1 январгача қуриб битказиш топширилади.

Узоқ вақтдан бўён қизғин муҳокама қилинаётгандигига қарамасдан, амалга оширилмай келётган бу иншоот айнан шу вақтда қурилишига маълум сабаблар мавжуд эди.

Биринчидан, 1900 йилда бошланган жаҳон иқтисодий инқирози Россияда янада оғирроқ асоратлар билан кечаётганди. Мамлакатда эчарчилик ҳукм сурнаб, зиддиятлар кучаяётган бу даврда чоризм сиёсий тангликтин юмшатиш мақсадида ҳам ушбу темир йўлни қуришга киришиди.

Иккинчидан, XIX аср охири XX аср бошларида Урта Осиё ва Қозғистонда мустамлакачилик ва феодал зулмга қарши миллӣ-озодлик учун курашлар кучаяётганди, 1898 йилги Андижон кўзғолони Туркистон ўлқасида Россия ҳукмронлигини мустаҳкамлаш учун Оренбург—Тошкент темир йўлинин қуриш заруриятини кўрсатди.

Ва ниҳоят, Оренбург—Тошкент темир йўли қурилишига яна бир турткى, кучайиб бораётган уруш хавфи эди. Германия Бағдод темир йўлинин қуриш ҳаракати билан Англия ва Россиянинг иқтисодий-сиёсий манбаатларига зарба беришин кўзда тутарди. Шу зарбани бартараф қилиш учун ҳам темир йўл қуриш шарт эди.

¹³ УЗР МДА. И. 1-ф, 13-рўйхат. 1237-ищ. 2-варақ.

¹⁴ Уша жойда. 5-варақ.

Кўрсатиб ўтилган сабаблар Оренбург—Тошкент темир йўли қурилишини тезлаштирди. Қурилишнинг жадал суръатлар билан боришига яна бир сабаб, инқироз туфайли минглаб ишсизларнинг пайдо бўлиши эди. Улар арзимас ҳақ учун ёки қорнини тўйғазиши учунгина йўл қурилишида ишлашга мажбур әдилар. Ишчилар сони кўпчилигидан қурилишда иштирок этиш ҳаммага ҳам насиб қилавермасди.

Арzon ишчи кучининг етарли бўлгаилигидан, темир йўл қурилиши муддатидан олдин якунланди, 1905 йил декабрь ойида эса фойдаланишга топширилди.

Оренбург—Тошкент темир йўлининг қурилиши Туркистонда Россиянинг иқтисодий, сиёсий ва ҳарбий стратегик мавқеини мустаҳкамлади. Эндиликда рус ҳукумати ўлканинг миллӣй бойликларини истаганича тасарруф қилиш, Туркистонга четдан тажовуз бўлган тақдирда етарлича ҳарбий куч ва қўрол-яроғ киритиш, миллӣй-озодлик ҳаракатлари авж олган тақдирда эса темир йўл ишчилари ва ходимларидан ҳарбий куч сифатида фойдаланиш имкониятига эга бўлди. Шунингдек, Оренбург—Тошкент темир йўли қурилганидан сўнг Туркистондан ташиб кетиладиган пахта ва бошқа маҳсулотлар ҳажми бир неча баробар кўпайди. Жумладан, ўлкада пахтачиликни ривожлантиришга катта аҳамият берилди. Россияга юбориладиган Туркистон пахтасининг 3/2 қисмини берадиган¹⁵ Фарғона вилояти мисолида буни яққол кўриш мумкин. Ўрта Осиё темир йўллари статистикасининг маълумотига қараганда, Фарғона вилоятида пахта етишириш қўйидагича ривожланган¹⁶:

Йиллар	Тозаланган пахта ҳосили, пуд
1900	3896070
1906	6762102
1911	7269000

Оренбург—Тошкент темир йўли империянинг барча эҳтиёжларини тўла қондирган ҳолда, айниқса, мустамлака ўлканинг иқтисодий қарамлигини ошириш имкониятлари жиҳатидан Ўрта Осиё темир йўлларидан анча устунлигини кўрсатди. 1909 йилга оид бўлган қўйидаги маълумотлар фикримизни тасдиқлайди¹⁷:

Тошкент станциясига келтирилган юқ ҳажми, пуд ҳисобида	Тошкент станциясидан жўнатилган юқ ҳажми, пуд ҳисобида
Ўрта Осиё темир йўли орқали 1861504	Тошкент темир йўли орқали 6336653

Ўрта Осиё темир йўли орқали	Тошкент темир йўли орқали
1783521	4126428

¹⁵ Гафуржонова И. Из истории строительства Ферганской железной дороги (1900—1917 гг.). Ташкент, 1961.

¹⁶ УзР МДА. И. 1-ф 12-рўйхат, 178-иш.

¹⁷ Дмитриев-Мамонов А. И. Путеводитель по Туркестану и железным дорогам Среднеазиатской и Ташкентской. Спб, 1912, С. 269—270.

Яна бошқа бир манбада Тошкент темир йўлнинг юк ташиш ҳажми тобора ошиб бораётганилиги ҳақида тўхталиб ўтилади¹⁸:

Йиллар	Ўрта Осиё темир йўлнинг жами юк айланмаси, млн пуд	Тошкент темир йўлнинг жами юк айланмаси, млн пуд
1905	45	45
1908	61	72
1910	104	128
1914	105	138

Бу ҳолат Оренбург—Тошкент темир йўлнинг афзаллигини кўрсатади.

Албатта, бу темир йўлнинг ўлкада капиталистик муносабатларининг ривожланишидаги, миллий саноатнинг юзага келишидаги, савдо-иқтисодий алоқаларининг авж ошишидаги аҳамияти катта бўлди.

Аммо шунни назарда тутиш лозимки, бу нарса фақатгина бир томонлама — империя манфаатларини биринчи ўриига кўйган ҳолда амалга оширилди. Россия империясининг мустамлакачилик сиёсати Туркистон иқтисодиётига жуда катта зарар етказди. Масалан, ишлаб чиқаришининг бир ёқлама — фақат хом ашё этишириб беришга йўналтирилганлиги пировардида республикамиз иқтисодиётини қийин аҳволга солиб қўйди.

Тўғри, кўплаб саноат корхоналари қурилди, аммо улар асосан, пахтани қайта ишлаш корхоналаридир. Шунингдек, пахта якка ҳокимлигининг жорий этилиши ҳам ернинг кучесизланишига, сув ресурсларидан нотўғри фойдаланишга олиб келдик, бунинг аячли натижалари ҳанузгача республикамиз қишлоқ хўжалигида қийинчиликлар тутдирмоқда.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Оренбург—Тошкент темир йўли үлкамизин Россия империясининг хом ашё базасига ҳамда ўз маҳсузотларини сотадиган ишончли бозорига айлантиришда катта аҳамиятга эга бўлди.

¹⁸ Статистический ежегодник 1917—1923 гг. Т. И. Ташкент, 1924.

M. Рахимов

УЗБЕКИСТАН И ООН: СОТРУДНИЧЕСТВО ВО ИМЯ МИРА И ПРОГРЕССА

Обретение Узбекистаном государственной независимости открыло перед страной возможность самостоятельно проводить внешнюю политику, активно включиться в процесс интегрирования в мировое сообщество, в том числе в систему международных отношений. «Когда мы говорим об интеграции в мировое сообщество,— пишет Ислам Каримов,— то прежде всего подразумеваем наше участие в деятельности Организации Объединенных Наций»¹.

¹ Каримов Ислам. Узбекистан на пороге XXI века. Угрозы безопасности, условия и гарантии прогресса. Ташкент: Узбекистон, 1997. С. 291.

Организация Объединенных Наций олицетворяет добрую волю человечества жить в мире и согласии. Как самая авторитетная и представительная организация, она объединяет народы и государства во имя мира и прогресса. Согласно Уставу, ООН считает своей важнейшей задачей сохранение мира и стабильности на Земном шаре, совместно решать планетарные проблемы, укреплять сотрудничество, взаимное доверие и согласие между странами, искоренять расизм на Земле, содействовать общечеловеческому прогрессу, соблюдать права человека².

Этому созвучны следующие конституционные принципы внешней политики Узбекистана: суверенное равенство государств; неприменение силы или угрозы силой; нерушимость границ; мирное урегулирование споров; невмешательство во внутренние дела других государств; соблюдение общепризнанных принципов и норм международного права³. Таким образом, миролюбивость и добрососедство — основные приоритеты внешней политики Узбекистана.

Вступление Узбекистана в ряды ООН 2 марта 1992 г. имело большое историческое значение не только для республики, но и всего мирового сообщества. Он становился полноправным субъектом международного права и международных отношений, а для мирового сообщества — в его ряды вступило молодое свободное государство, цель которого — создание демократического правового государства с открытой социально ориентированной рыночной экономикой, имеющего важное геополитическое значение в Центральной Азии.

24 октября 1993 г. в Ташкенте было открыто Представительство ООН в Узбекистане.

Представительство ООН — это структура, которая объединяет специализированные учреждения и программы системы ООН в единое целое, и ставит своей основной целью удовлетворение потребности страны с учетом целей и приоритетов, выдвигаемых правительством нашей республики. На данный момент в состав Представительства в Узбекистане входят программа развития ООН (ПРООН), Отдел ООН по информации и общественным связям (ООН/ОИОС), Программа ООН по борьбе с наркотиками (ЮНДКП), Представительство управления Верховного Комиссара по делам беженцев (УВКБ), Представительство детского фонда Организации Объединенных Наций (ЮНИСЕФ), Организации промышленного развития (ЮНИДО), Всемирная организация здравоохранения (ВОЗ), фонда народонаселения ООН (ЮНФПА) и Программы добровольцев ООН (ДООН). Ряд представительств, в частности такие, как ЮИФПА и ЮНДКП, функционируют на региональной основе. С другой стороны, в штаб-квартире ООН в Нью-Йорке находится представитель Узбекистана при ООН.

На сегодняшний день членами ООН являются 185 стран мира⁴,

² Basic Facts About the United Nations. New York, 1998. P. 3—5.

³ Конституция Республики Узбекистан. Ташкент: Узбекистон, 1992. С. 12.

⁴ Basic Facts About the United Nations. P. 6.

каждый из которых платит взносы в соответствии со своим местом в мировой экономике и платежеспособностью⁵.

Узбекистан как член ООН входит в число государств, которые ежегодно и своевременно уплачивают членские взносы, что составляет 0,13 процента национального бюджета республики⁶. По сообщению Пресс-брифинга службы спикера Генсека ООН, в 1998 г. взнос Узбекистана составил около 840 тыс. долл. США⁷.

Деятельность Представительства системы ООН в Узбекистане невозможно осветить в рамках одной статьи, вследствие чего целесообразно остановиться лишь на приоритетных направлениях сотрудничества нашей страны с ООН.

Как известно, ХХ век изобиловал различными войнами, от локальных до мировых, унесшими миллионы человеческих жертв. Поэтому перед нынешним поколением остро стоит задача сохранить мир и безопасность на Земном шаре. «Глобальная безопасность,— отмечает Ислам Каримов,— это процесс, который начинается с установления региональной безопасности, с взаимопонимания и взаимодействия конкретных государств, в конкретных регионах»⁸.

Узбекистан, соблюдая принципы внешней политики, активно участвует в миротворческой деятельности ООН в Центральноазиатском регионе. Наиболее ярко это проявилось в выступлениях И. А. Каримова на 48-й (сентябрь, 1993 г.) и 50-й (октябрь, 1995 г.) сессиях Генеральной Ассамблеи ООН, где глава нашего государства акцентировал свое внимание на актуальных проблемах Центральной Азии. Их суть определяется безопасностью населяющих стран региона и экологическим кризисом. Ислам Каримов особо подчеркнул, что обеспечение мира и безопасности в регионе непосредственно связано с военными действиями в Афганистане. Пока там не прекратятся вооруженные столкновения и братоубийственные конфликты, будет существовать угроза миру и стабильности во всей Центральной Азии. Президент Узбекистана внес ряд конкретных предложений, направленных на обеспечение мира и стабильности в нашем регионе. В их числе: созыв семинара ООН по вопросам безопасности и сотрудничества в Центральной Азии; объявление Центральной Азии безъядерной зоной; создание специальной группы при Совете Безопасности ООН по анализу и анализированию зарождающихся международных конфликтов; международный контроль за размещением в Центральноазиатском регионе химического и бактериологического оружия; создание региональной комиссии ООН в Центральной Азии для совместной борьбы с наркобизнесом; создание специальной комиссии ООН по Арабу.

Выступая перед мировым сообществом с высокой трибуны ООН, Президент Узбекистана решительно высказался за введение эмбарго на поставку оружия в Центральноазиатский регион. При этом он, в

⁵ Image Reality, United Nations. New York, 1997, P 14.

⁶ Там же. С. 20.

⁷ Данные Пресс-брифинга из Информационного центра Представительства ООН в Узбекистане.

⁸ Правда Востока, 1995, 30 дек.

частности, отметил, что для предотвращения военного столкновения, которое становится источником международного терроризма, наркобизнеса, распространения оружия⁹, надо прежде всего исключить вмешательство внешних сил. Затем было внесено предложение в Совет Безопасности ООН о введении эмбарго на ввоз оружия в регион, от кого бы он ни исходил.

Инициативы главы нашего государства способствовали повышению международного авторитета Узбекистана. Так, 15—16 сентября 1995 г. в Ташкенте был создан крупный международный форум — совещание-семинар по вопросам безопасности и сотрудничества в Центральной Азии, организованный под эгидой ООН. В нем приняли участие делегации 20 международных организаций и 30 стран мира, в том числе представители государств — постоянных членов Совета Безопасности ООН — США, Франции, Англии, России и Китая.

На Ташкентском семинаре были обсуждены три важнейшие проблемы: создание надежной системы безопасности в Центральной Азии; экономическое сотрудничество и инфраструктурные коммуникации; создание системы экономической безопасности и развитие гуманитарного сотрудничества.

Участники совещания и семинара, признавая необходимость региональной и глобальной безопасности, приняли совместное заявление, в котором выражается решимость всячески содействовать укреплению мира, безопасности и сотрудничества в Центральной Азии.

Через два года в столице Узбекистана была создана международная конференция «Центральная Азия — зона свободы от ядерного оружия». Эта конференция, открывшая дорогу от региональной безопасности к безопасности в мире, с вниманием была воспринята ведущими политиками мира. Руководители многих стран и международных организаций направили приветствие ее участникам, в том числе и Генеральный секретарь ООН Кофи Аннан. В его послании говорилось, что создание зон, свободных от ядерного оружия, будет служить обеспечению региональной безопасности и станет важным шагом на пути нераспространения ядерного оружия и разоружения.

Таким образом, Ташкентские форумы внесли существенный вклад в развитие назревших проблем Центральной Азии, что позволяет с оптимизмом смотреть на перспективы регионального безядерного развития.

На 48-й сессии Генеральной Ассамблеи ООН И. А. Каримов обратил внимание участников еще на один важный вопрос — проблему Арала, представляющую серьезную угрозу не только для жизни народов Центральной Азии, но и всего Земного шара. Руководство ООН высоко оценило инициативу нашего Президента. В результате такие авторитетные международные организации, как ООН, ЮНЕП, ЮНЕСКО, Всемирный банк, Всемирная организация здравоохранения, основательно взялись за работу по содействию решения острой проблемы Арала и Приаралья. Так, 18—21 сентября 1995 г. в Нукусе

⁹ Каримов Ислам. По пути созидания. Ташкент: Узбекистон, 1996. С. 58.

прошла международная конференция ООН по устойчивому развитию государств бассейна Аральского моря. В этом форуме приняли участие представители США, Австралии, Австрии, Великобритании, Бельгии и других стран, а также специалисты авторитетных международных организаций, представители республик Центральной Азии.

Заслуживает внимания и сотрудничество Узбекистана с ООН о возвращении на родину таджикских беженцев из Афганистана. Известно, что из-за вооруженных столкновений в 1992—1993 гг. более 50 тысяч граждан Таджикистана были вынуждены уйти в северные области Афганистана. Правительство нашей страны в сотрудничестве с Верховным Комиссаром ООН по вопросам беженцев протянуло руку помощи тысячам людей, оставшихся без крова. Хотя внутренняя военно-политическая обстановка в Афганистане была напряженной, Узбекистан создал условия для перехода беженцев в Таджикистан через собственную территорию.

